


**Азимжон ОТАЕВ,
Жавлон Яқубов –САЙИДИЙ**

САМОЛАРНИ КҮЗЛАГИН



“Огахий” нашриёти
Урганч-2021

УЎК 821.1

КБК 84(5Ўзб.)

О 86

Азимjon Oтаев, Жавлон Яқубов –Сайдий. Самоларни
кўзлагин [Матн]: Шеърлар/ A. Oтаев., Ж. Яқубов –Хоразм:
“Огахий” нашриёти, 2021-йил. – б.

ISBN 978-9943-7441-1-0

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ўзб)-5

ISBN 978-9943-7441-1-0

© “Огаҳий” нашриёти, 2021

© А. Отаев, Ж. Яқубов “Самоларни кўзлагин”

ЭЗГУЛИК МАЁГИ

Халқимиз азалдан панжат, ўгит тарзида битилган шеърларни яхши кўради. Тўй ва байрамларда, шеърхонлар ёки шеър муҳлислари йиғилган давраларда бундай мазмундаги шеърларни ўқиш ёки тинглаш одамларга ўзгача завқ беради.

Халқона йўналишда ўзининг улкан меросини халқимизнинг табарруқ мулкига айлантирган улуғ қардош туркман шоири Махтумқули ижоди бутунги кунда ҳам кўпгина шоирларимизга илҳом манбаидир.

Махтумқули шеъриятига ҳавас билан ижод қилиб келаётган шоирларимиздан Азимжон Отаев ва Жавлон Яқубов –Сайдий ижоди ҳам бугун ана шундай давраларда, тўйларда шеър ихлосмандларининг кўнглини топмоқда. Инсонларни эзгу ишларга ундовчи, инсофидиёнатли, иймон-эътиқодли, ўзаро оқибатли бўлишга чақириувчи бундай шеърлар халқимизнинг минг йиллик одоб-ахлоқ қоидалари ва қадриятларига содиқлик белгисидир:

Тўғри сўз дўстликни безар,
Ёлғон гап ўртани бузар,
Инсон кўнгли тоғдек ўсар,
Дўсту ёрнинг вафосидан.

Элу юртнинг хизматин қил,
Ота -онанг иззатин қил,
Икки дунёнг ҳам обод, бил,
Яхшиларнинг дуосидан.

Устоз шоир Азимжон Отаев шеъриятидан илҳомланган шогирди Жавлон Яқубов –Сайидий ҳам ўз шеърларида устозининг эзгулик маёғини баланд кўтариади:

Бу дунёда биздан бурун,
Умр суриб ўтган бордир.
Яхши-ёмон қалб сўзини,
Биздан бурун битган бордир.

Ўтгандир неча султонлар,
Енгилмас марду майдонлар.
Ўткинчидир бу давронлар,
Барин ташлаб кетган бордир.

Шоир борки, Махтумқули, Машраб сингари ҳалқ қалбида мангу қолишни ният қиласди. Шундай холис тилаклари ижобатини тилаган ҳолда, хивалик устоз - шогирд шоирлар Азимжон Отаев ва Сайидийнинг Хоразм шевасига уйғун шеърларидан тузилган ушбу тўпламни сиз, азиз китобхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз. Ушбу шеърий гулдаста ўқувчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Отабек ИСМОИЛОВ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
шоир, журналист.

АЗИМЖОН ОТАЕВ ШЕТЬЛари

Туркий забон

Келиб чикиши -насли бир туркийзабон халқларнинг,
Отаси бир, онаси бир -туркийзабон халқларнинг.

Нух алайхиссалом ўғли, Ёфас уруғ улуғи,
Билингки, зоти, асли бир туркийзабон халқларнинг.

Қавми -ўғуз, манзил -Турон, илк давлати -Хоразм,
Томирда оққан қони бир туркийзабон халқларнинг.

“Авесто”ни ким яратди, Ўрхун хати кимники?
Бешиги бир, алласи бир туркийзабон халқларнинг.

Кир иккини ўз қонида, чўмилтирган жафокаш,
Мард Тўмарис момоси бир туркийзабон халқларнинг.

Широқ Доро бирни янчиб, жондан кечди шу эл деб,
Жалолиддин Мирзоси бир туркийзабон халқларнинг.

Аксарияти мусулмон, Муҳаммаднинг уммати,
Муқаддас дин -исломи бир туркийзабон халқларнинг.

Ал -Хоразмий, Ал -Фарғоний, Беруний -Шарқ зухроси,
Табиб Ибн Синоси бир туркийзабон халқларнинг.

Хива, Самарқанд, Истанбул, Афросиёб унники,
Ҳам қўхна Бухороси бир туркийзабон халқларнинг.

Ал -Бухорий, Ат -Термизий, Нақшбандий кимлардан?
Шайх Нажмиддин Куброси бир туркийзабон халқларнинг.

Сеники у, меники бу -аждодларни талашманг,
Тарихи бир, мероси бир туркийзабон халқларнинг.

Усмонийлар сулоласин эсламасдан бўлурми?
Темурбек саркардаси бир туркийзабон халқларнинг.

Сурати гўзал, сийрати ундан-да юз бор гўзал,
Кулиб турган чеҳраси бир туркийзабон халқларнинг.

Ахмад Яссавий, Навоий, Махтумкули, Оғаҳий,
Бобур, Машраб бобоси бир туркийзабон халқларнинг.

Массагет, Сак, Сўғддири, барин, Азимжон, илдизи бир,
Ҳатто назму навоси бир туркий забон халқларнинг.



Хоразмдан

Бир эл бор, таъриф айлайин,
Кўлга тор олиб куйлайин,
Сиз тингланг, ман бир сўйлайин,
Кимлар ўтган Хоразмдан.

Ташласак мозийга нигох,
Зардуштий, Авесто гувох,
Жон тиккан Тўмарис, Широк,
Мардлар ўтган Хоразмдан.

Жалолиддин кўксин тутган,
Ватан эрки деб курашган,
Чингизни дағ-дағ титратган,
Шерлар ўтган Хоразмдан.

Нажмиддин Кубро дилбанди,
Замахшарий, жон пайванди,
Паҳлавон Маҳмуд фарзанди,
Пирлар ўтган Хоразмдан.

Муҳаммад Раҳимхон Соний,
Мунис ҳам Юсуф Баёний,
Муҳаммад Ризо Огаҳий,
Шеърлар ўтган Хоразмдан.

Маъмун мактабидир танҳо,
Ал-жабрни ўқир дунё,
Беруний таратиб зиё,
Нурлар ўтган Хоразмдан.

Шерозий, Ҳажихон кўйлаб,
Комилжон булбулдек сайраб,
Дунёни соз билан безаб,
Дурлар ўтган Хоразмдан.

Азимжон, қадим воҳада,
Буюклиқ турли жабҳада,
Қиёсласак ҳар соҳада,
Зўрлар ўтган Хоразмдан.



Бикажон момо- қаҳрамон

9 -май -Хотира ва қадрлаш қуни
муносабати билан

Эх, кирк иккинчи йил, жазирама ёз,
Бедарак ўғлидан хат кутар момо.
Почтальон қўлида чақирув коғоз,
Наҳот, кенжасин ҳам кузатар момо.

Худо ҳам эшитмай қўйган оҳини,
Бикажон момони босган ғам -қайғу.
Ёстиғига артар қўзда ёшини,
На кундуз, на тунда йўқ ором, уйқу.

Қўлидан келар иш қарғар урушни,
“Фашизм, номингга ўт тушсин!”, дея.
Ўтказар кузакни, ёз, баҳор, қишини,
Ўғлим қучоғимга соғ қайтсин, дея.

Билади Пирназар ўғли энди йўқ,
Лекин кўзи йўлда кутгани кутган.
Фарзанд доғи номли бир бешавқат ўқ,
Онанинг бағрини минг тешиб ўтган.

Энди Султонбойни кутмоқда уруш,
Бу не азоб бўлди, бу не кўргулик?
Ўйлайди: “Ҳеч кимдан олмадим қарғиш,
Нима гуноҳ қилдим жазо тортгулик?”

Масковни ҳимоя қилсин болам, деб.
Фарзанд ўстирганми она бечора?
Энди кенжасини... қилади алам,
Ўғлини асрашга тополмас чора.

Она ҳайрон, кимга айтсин додини,
Энди ўн олтига тўлди боласи.
Ўн саккиз деб ёзиб, гувоҳномани,
Ўзгартириб қўйган колхоз шўроси.

Яна Яратганга юз тутди она,
Соф -омон сақлагин кенжатойимни.
У ҳам ўлса, ахир, зулмат босади,
Паноҳингга олгин қуёш, ойимни.

Она зори охир етди Аллоҳга.
Гитлер юрагини ўйди Султонбой.
Кўксини тўлдириб орден, медалга,
Онаси бағрига қайтди Султонбой.

Пирназар, Султонбой -буюк қаҳрамон.
Бугун замона тинч шу мардлар учун.
Бикажон онага таъзимда жаҳон.
Фашизмни янчган фарзандлар учун.

Тоғман дема

“Тоғман”, дема, тоғлар емрилмаганми?
“Боғман”, дема, боғлар соврилмаганми?
“Зўрман” дебсан, зўрлар эгилмаганми?
Қанча зўрни еган дунё бу, дўстим!

Мақсадинг не, бунча мол дунё топиб?
Олмоқчисан балки ер юзин сотиб.
Минг йиллик чинорни кескилаб, чопиб,
Ўтин қилиб ёққан дунё бу, дўстим.

Нуҳнинг тўфонини унутдингми ё,
Сен билан мен кимман, ўйлагин, ошно?
Оллоҳ пайғамбари Юсуфни ҳатто,
Бозоринда сотган дунё бу, дўстим.

Азройил чанг солар соғу-сўлингдан,
Ажал қапқон қуриб кутар йўлингдан.
Ҳеч нима келмайди, ишон, қўлингдан,
Топганини ютган дунё бу, дўстим.

Бунга келган банда чекар дарду-ғам,
Ул зотни ҳам чеклаб ўтмади ситам.
Оллоҳнинг расули Муҳаммадга (С.а.в) ҳам,
Бевафолик қилган дунё бу, дўстим.

Кимдир яшаб саксон, тўқсонга тўлди,
Афсус, кўплар гўдак чоғида сўлди.
Гул-ку, майли, ёшини яшаб бўлди,
Фунчани ҳам юлган дунё бу, дўстим.

Азимжон, жон –мехмон, чиқади тандан,
Бу бир сайлгоҳдир, қолади сандан,
Фонийни ёшини сўрама мандан,
Алмисоқдан қолган дунё бу, дўстим.



Борармиз

Сувдек оқар умр -дарё, сезмай борармиз.
Тушдек учиб кетар гүё, билмай борармиз.

Бойми, ғариб танламайды, ўтармиз бир-бир,
Ажал етгач ҳеч баҳона, топмай борармиз.

Инсоф, диёнатли бўлиб ҳаёт кечирсак,
Инсон деган номни ерга, урмай борармиз.

Ёш кетарми ёки кекса, билолмас ҳеч ким,
Тўқсонгами ё тўққизга, кирмай борармиз.

Эзгуликни шиор этсак, умримиз бўйи,
Маҳшар кун, савол-жавобдан, қўрқмай борармиз.

Ёлғончининг айвонига, меҳмонмиз беш кун.
Чин дунёга элтар карвон, тинмай борармиз.

Ҳалол яшасак, Азимjon, қилмайин гуноҳ,
Аллоҳ олдига ҳижолат, чекмай борармиз.



Күп

Шукр, ер юзида ҳали,
Ҳалол ва пок юрганлар кўп.
Инсоф, диёнатли бари,
Аллоҳни Ҳақ билганлар кўп.

Эзгулик деб қадам ташлаб,
Ризқини ҳалоллаб тишлаб,
Юртни севиб, ҳалқин хушлаб,
Эл деб ёниб -куйганлар кўп.

Лекин ой юзида ҳатто,
Доғ бўларкан, кўринг гоҳо,
Шундай бўлгач, кўзлаб дунё,
Виждонидан кечганлар кўп.

Яхши-ёмон фарқин билмай,
Яшар баъзиси уялмай,
Эй воҳ, етим ҳаққи демай,
Чўнтағига урганлар кўп.

Юзидаги доғлар ўчсин,
Ой ҳам ерга кулиб боқсин,
Мехр, вафо куртак очсин,
Мехрга зор бўлганлар кўп.

Азимжон, етарми кўзинг,
Кимгадир ёқар шу сўзинг,

Кўп ҳам камситмагин ўзинг,
Ижодингни суйгандар кўп.

Ҳар мусулмоннинг

Насли тоза бўлсин ҳар бир йигитни,
Пок дил инсон кўрки эрур замонни.
Эшитмайди тилло, олтин ўгитни,
Тарбиялаб бўлмас феъли ёмонни.

Яхши инсон сезилар гул юзидан,
Адаб, икром нури ёғар кўзидан,
Бадқилиқнинг заҳар томар сўзидан,
Кесмоқ керак бундай аччиқ забонни.

Мўмин инсон мангзар гўёки ойга,
Нокаслар мангзайди ойдаги доғга.
Мард йигит ўхшаса мевали боғга,
Номард киши эслатар қиш, хазонни.

Эл-юрт қиласар ҳалол кимсани хурмат,
“Лафзи бутун”, дея айлашар иззат.
Нафси балони йиққан моли нафрат,
Ўтга ёқар қалбдаги соғ виждонни.

Ота-она дилига озор солмоқ,
Ўз қўли билан охиратни ёқмоқ,
Кексаларни сийлаб, дуосин олмоқ,
Аслида фарзидир ҳар мусулмоннинг.

Илтимосим- бад одатларни ташланг,
Омонат дунёда мард бўлиб яшанг.

Хақ йўлидан юриб, баҳордек яшнанг,
Насиҳатин тинглангиз Азимжоннинг.

Дўстим

Эй дўстгинам, кўзингни оч,
Ёмонлардан четроққа қоч,
Бу дунёда нур, зиё соч,
Нодонликни касб айлама.

Яхшиларга Яратган ёр,
Ёмонлардан у ҳам безор,
Бермагин бандага озор,
Фирромликни касб айлама.

Халқи куяр -яхши куйса,
Ҳамма шодон -ёмон ўлса,
Инсон бахтли -эли севса,
Сарсонликни касб айлама.

Хақ Расулидан нишона,
Мўминлик фарз мусулмона,
Тили заҳар тегар жона,
Ёмонликни касб айлама.

Насиҳат бор Азимжонда,
Синовдасан бу жаҳонда,
Куйма дейман жаҳаннамда,
Шайтонликни касб айлама.

Яхшиларнинг дуосидан

Ҳалол яшаб, пок ўтайлик,
Бу ёлғончи дунёсидан.
Чин манзилга тинч кетайлик,
Қўрқмай дўзах жазосидан.

Бир булғанса инсон оди,
Бир умр қолар исноди,
Шунинг учун одам зоти,
Айрилмагай ибосидан.

Кўлингда бўлса ҳам жаҳон,
Устун бўлсин қалбда иймон,
Савол-жавоб аниқ ишон,
Фойда йўқ зар-тиллосидан.

Тўғри сўз дўстликни безар,
Ёлғон гап ўртани бузар,
Инсон кўнгли тоғдек ўсар,
Дўсту ёрнинг вафосидан.

Элу юртнинг хизматин қил,
Ота -онанг иззатин қил,
Икки дунёнг ҳам обод, бил,
Яхшиларнинг дуосидан.

Қанча яширин бўлмагай,
Гуноҳ жазосиз қолмагай,

Шону шухрат, деб кечмагай,
Азимжон ор, ҳаёсидан.

Самоларни кўзлагин

Арслон яраланса ҳам, бас келар юз тулкига,
Бургутга бок, ўлигин ҳам хўрлатмайди хеч кимга.
Дўстим, агар қулоқ солсанг, бир насиҳат бор сенга,
Оёқ ости сен учунмас, чўққига йўл излагин,
Йигит бўлсанг, бургут каби самоларни кўзлагин.

Иймонингни сотиб яна қалбингни қўйма дардга,
Қачон кўргансан мардларни эгилганин номардга.
Икки юзли бўлмоқ, ахир, мутлақо ётдир мардга,
Бошингда қилич турса ҳам, фақат ҳақни сўзлагин,
Йигит бўлсанг, бургут каби самоларни кўзлагин.

Нодон киши бой бўлса ҳам қилма унга эътибор,
Доноларни бошингда тут бўлса ҳам ғариб, ночор.
Ақл ёшда эмас бошда, деган гап қадимдан бор,
Оқил бўлса, гўдакни ҳам улуф билиб сизлагин,
Йигит бўлсанг, бургут каби самоларни кўзлагин.

Асл йигит ор талашар- қўрқмас, ботир, шер бўлар,
Номус, шаънин сақлаб билган эл ичинда эр бўлар.
Хотинчалиш баъзи эркак охир қаро ер бўлар,
Сенга мосмас -зўрни мақтаб, ожизларни эзмагин,
Йигит бўлсанг, бургут каби самоларни кўзлагин.

Ҳаёт йўлинг кўрган киши “таҳсин”, деб, қолсин ҳайрон,
Қилган эзгу амалларинг савоб бўлсин бир карвон,
Азимжон, ижод аҳлига ярашмас сўзлаш ёлғон,

Үгри, қаллоб, муттаҳамни шеъринг билан тузлагин,
Йигит бўлсанг, бургут каби самоларни кўзлагин.

Ер номли саройинда

Яратганга минг шукр, ақл -хушим жойинда,
Ризқим сочиб қўйилган дала, денгиз, сойинда,
Ҳатто шуъла пойим бор кўкнинг қуёш, ойинда,
Не қиласай, дали кўнглим бир Ҳақнинг чиройинда,
Яшаяпман соғ -омон ер номли саройинда.

Забон берган Худойим, мулоқотга тилим бор,
Юрмоққа икки оёқ, тутмоқ учун қўлим бор,
Ор -номус белбоғини боғламоққа белим бор,
Қадрим билган хўсторим, суюнгани элим бор,
Яшаяпман соғ -омон ер номли саройинда.

Қачон бўлмасин мен ҳам ўтганларга шерикман,
Чин дунёни макон деб тутганларга шерикман,
Ер остида ҳок бўлиб ётганларга шерикман,
Ҳозирча сиз биланман, шукр Аллоҳ, тирикман,
Яшаяпман соғ -омон ер номли саройинда.

Имконим етганича халқим хизматин қилиб,
Ҳеч кимга малол бермай, қиласар ишимни билиб,
Яқинлар куйса куйиб, дўстларим кулса қулиб,
Ҳар нафас олганимда Худога шукр қилиб,
Яшаяпман соғ -омон ер номли саройинда.

Юрт, оиласам тинч бўлса, мендан баҳтли одам йўқ,
Фарзандларим соғ юрса, мендан баҳтли одам йўқ,
Набирам “бобо” деса, мендан баҳтли одам йўқ,

На бой, ё на ғарифман, устим бутун, қорним тўқ,
Яшаяпман соғ -омон ер номли саройинда.

Оддийгина бир камтар қулиман Яратганни,
Бошим узра тутарман мени ҳурмат этганни,
Аллоҳ ўзи қўлласин шеърларим ўқиганни,
Азимжонни айб этманг, ёздим қалб буюрганни,
Яшаяпман сиз билан ер номли саройинда.



Шиор этсанг

Ёмондан Тангри ҳам безор,
Бермагин бандага озор,
Азиз бош бўлар бир кун хор,
Ёмонликни шиор этсанг.

Қилаверсанг ҳар дам гунох,
Бошингда қолмас бир панох,
Жазойингни берар Аллоҳ,
Яхшиларга озор этсанг.

Мехр, вафони унутма,
Инсоф, ҳаёни унутма.
Жаннат боғидан жой кутма,
Беорликни такрор этсанг.

Яхшига Аллоҳ йўл очар,
Ёмонга эл тупроқ сочар,
Ёнингдан дўстларинг қочар,
Аччиқ сўзлаб безор этсанг.

Азимжон сўзларин тинглаб,
Олсанг насиҳатим англаб,
Яшарсан дунёда яйраб,
Қалбингни беғубор этсанг.

Ўйламай

Сен ўзингни бир билгандинг,
Мен зўрман деб ер тепгандинг.
Қанча харосот этгандинг,
Отдан тушмоғинг ўйламай.

Мол топсанг, бошинг осмонда,
Ўзга йўқдек кенг жаҳонда.
Эй банда, қолма армонда,
Бундан учмоғинг ўйламай.

Кўрқмай қилдинг гуноҳни сен
Қаро дединг-ку оқни сен.
Унугтандинг Оллоҳни сен,
Жавоб бермоғинг ўйламай.

Имкон бор қандим урай деб,
Яшадинг, ўзим бўлай деб.
Уриндинг, дунё йифай деб,
Ташлаб кетмоғинг ўйламай.

Оқил, кечиримли Раҳмон,
Тавба қил, туриб ҳар аzon.
Бегам бўлма дер, Азимжон,
Бундан ўтмоғинг ўйламай.

Бўлмасин

Нима дердим, эр йигитнинг хулқи расво бўлмасин,
Инсон зоти баҳил, зиқна, шайтон сиймо бўлмасин,
Лафзи ёлғон, иймони мўрт, қалби сиё бўлмасин,
Дуо қилдим, ҳеч одамда тил беҳаё бўлмасин,
Ранги қаро бўлса бўлсин, кўнгли қаро бўлмасин.

Ёмон одам элу юртга келтирас ташвиш, дардни.
Яхшиларнинг юрагидан тополмайсан бир гардни.
Халқнинг ғами билан яшаш ишидир асл марднинг.
Ота-она умид этиб бокқан ҳар бир фарзанднинг
Ранги қаро бўлса бўлсин, кўнгли қаро бўлмасин.

Ҳар йигитга тўғри сўзлик, тўғри юрмоқ чиройдир.
Харомдан ҳазар айламоқ, ҳалол бўлмоқ чиройдир,
Оила, юртнинг шаънини сақлаб билмоқ чиройдир,
Ожиз, бечора мискинга ёрдам бермоқ чиройдир,
Ранги қаро бўлса бўлсин, кўнгли қаро бўлмасин.

Дўстингман деб ютуғингдан ҳасад қилас қўп одам.
Оёғингдан чалмоқликни мақсад қилас қўп одам.
Кўзи билан қўрмай сенга туҳмат қилас қўп одам.
Бу дунёда ҳатто ёмон кўрган душманингни ҳам,
Ранги қаро бўлса бўлсин, кўнгли қаро бўлмасин.

Ақл бериб сийламади Ҳақ ўзга бир жонзотни.
Шукрки, энг афзалимиз бор ҳайвон, махлукотни.

Мазмун билан ўтказайлик Худо берган ҳаётни.
Азимжон, Аллоҳ яратган ҳар битта одамзотни.
Ранги қаро бўлса бўлсин, кўнгли қаро бўлмасин.

Билмайди

Сен юрарсан ҳалол, ҳаром мол йифиб,
Гоҳо савоб, гоҳида гуноҳ қилиб,
Ажал келса агар паймонанг тўлиб,
Шоҳмисан ё гадомисан билмайди.

Қадимдан айтилган бу фоний дунё,
Ҳеч қачон ҳеч кимга қилмаган вафо,
Бўлсанг ҳамки бир тошқин азим дарё,
Денгизмисан, дарёмисан билмайди.

Келган кетар, қолиб устун бўлган йўқ,
Бир кам дунё, мангуликка қолган йўқ,
Жон -омонат, топширмайин қочган йўқ,
Кексамисан, ғунчамисан билмайди.

Олдиндадир савол, жавоб аёзи,
Иймонни пок тутиб, қил Ҳақни рози,
Гуноҳдан қўрқ, Яратган буюк қози,
Поранг ўтмас, дунёмисан билмайди.

Азимжон, шукр қил ҳар кун, ҳар дамга,
Ўйнаб кулгин парво қилмасдан ғамга,
Охир бир кун қаро тупроқ уй санга,
Назммисан, навомисан билмайди.

Аллоҳга илтижо

Эй Яратган, мўминингман,
Ёлғончиди бир гулингман,
Амрингга содик қулингман,
Ўзгасига сарғайтирма.

Етгунимча сўнги дама,
Мухтоҷ қилмагил ҳеч кима,
Бир ўзингдан қилдим таъма,
Бандангта ҳеч ёлвортирма.

Йигит учун муқаддас ор,
Ғурурсиз яшамоқ бекор,
Бошим тик бўлгай барқарор,
Эл-улисда уялтирма.

Тоқатим йўқ ёлғонларга,
Туҳмат ҳамда бўхтонларга,
Нафратим қўп нодонларга,
Ёмон билан саташтирма.

Ўқиб айтган ҳар бир сўзим,
Оқил бўлгай ўғил-қизим,
Иснодда қолмайин ўзим,
Гулдек юзим қорайтирма.

Азимжон шиори сабр,
Қаноатда гүзал умр,
Берганингга қилдим шукр,
Тўғри йўлдан адаштирма.



Банда ризқ беролмайди

Яратган бир буюк ҳоқон,
Амридадур еру-осмон,
Банда бандага ҳеч қачон,
Билгин, ризқ беролмайди,
Буни нодон билолмайди.

Ненидир айлаб баҳона,
Насибанг сочар ҳар ёна,
Тангридан келган фармона,
Жонзод қарши чиқолмайди,
Буни нодон билолмайди.

Омади келгандар гоҳо,
Үзим топдим, дейди танҳо,
Агар бермаганда Худо,
Бой бир мушук боқолмайди,
Буни нодон билолмайди.

Ҳаққа фидо мард жон-тани,
Буюк туйғу -инсон шаъни,
Сўзларимдан ол бир маъни,
Ёлғон-ростни йиқолмайди,
Буни нодон билолмайди.

Ўтдим олтин- тиллони, де,
Соф бўлиб, ор-хаёни де,
Азимжон бир Оллоҳни де,

Номард ёқанг тутолмайды,
Буни нодон билолмайды.

Оллоҳнинг айтгани бўлар

Фармонга бўйин сунмайин,
Ризқингга шукр қилмайин,
Туну-кун югур тинмайин,
Худонинг бергани бўлар,
Оллоҳнинг айтгани бўлар.

Сен ўзингча бир бўлжақсан,
Дарров дунёни олжақсан,
Хаёлда нелар қилжақсан,
Тақдирга битгани бўлар,
Оллоҳнинг айтгани бўлар.

Ғам босганни қўнглин тилма,
Адашганни мазах қилма,
Бандасан, бандадан кулма,
Ҳар бошга солгани бўлар,
Оллоҳнинг айтгани бўлар.

Тангри ёрлақаса уни,
Гадо бой бўлар бир куни,
Эсингдан чиқарма шуни,
Ҳақнинг буюргани бўлар,
Оллоҳнинг айтгани бўлар.

Ёлғончи гүёки бир туш,
Рухинг учар мисоли қуш,
Осмонда юрма пастга туш,
Ўзининг чизгани бўлар,
Оллоҳнинг айтгани бўлар.

Азимжон сабрли бандা,
Шукрни қилмайди канда,
Инсон, ҳеч илож йўқ санда,
Ёзғитга ёзгани бўлар,
Оллоҳнинг айтгани бўлар.



Эртага йўқ

Омонатдир тандаги жон,
Ўткинчидир ҳар бир инсон.
Ўйлаб ақл-хушим хайрон,
Бугун кўрган эртага йўқ.

Умрим бўйи синов қилдим,
Соғ, касал демаскан, кўрдим.
Шум ажал ҳақлигин билдим,
Бугун кўрган эртага йўқ.

Ўтган кетар келмас бўлиб,
Ўғил-қиз қолар диз уриб.
Тавба, дейман ёқам тутиб,
Бугун кўрган эртага йўқ.

Шунда ҳам кўзлар оч гоҳо,
Молу давлат излар танҳо.
Кимга вафо қилган дунё,
Бугун кўрган эртага йўқ.

Бир-бировга қўл берайлик,
Ҳаммага умр тилайлик.
Бир азиз меҳмон бўлайлик,
Бугун кўрган эртага йўқ.

Азимжон, сен Аллоҳни бил,
Мингни кўриб бир фикр қил.

Берган дамига шукр қил,
Бугун күрган эртага йўқ.

Арзирмикан

Тўрут ён чопармиз бош уриб,
Шону-шуҳрат, дунё қувиб.
Ташлаб кетармиз мол йифиб,
Югуришга арзирмикан?

Инсоннинг умри жуда кам,
Саксон, юз йил гўё бир дам.
Ҳасрат қилиб, нолиб одам,
Куюнишга арзирмикан?

Мол топамиз кўп қураниб,
Бўш кетамиз минг чираниб.
Дунё йигамиз қувониб,
Суюнишга арзирмикан?

Оллоҳ шуни хукм этган,
Ким келибди -бари ўтган,
Яхши навбатинда кетган,
Кеч қолишга арзирмикан?

Номи “Ёлғончи дунё”да,
Ўтар отли ҳам пиёда.
Берган умридан зиёда,
Тиланишга арзирмикан?

Азимжон, ёзсанг ёз қўрқмай,
Зинхор яхшига тош отмай.

Бекор ётма, ижод этмай,
Күп ухлашга арзирмиカン?

Айб кимда?

Куёш ўз жойидан чиқса ҳар куни,
Ой ҳам ўз шуъласин сочса ҳар туни,
Замон ўзгарди деб айблаймиз уни,
Айб бизлардами, ёки замонда?

Ёқмаса ўғилга падарнинг сўзи,
Онани хор қиласа келин ё қизи,
Қайда қолди айтинг, уларнинг юзи,
Айб бизлардами, ёки замонда?

Ака-укасидан ўзмоқни ўйлар,
Ука-акасини чалмоқни ўйлар,
Бузилди ҳаёт, деб баъзилар йиғлар,
Айб бизлардами, ёки замонда?

Тарозидан урса, бу қандай савдо?!
Йигитдан ор кетса, кўп қиздан ҳаёт,
Яхшиям ер ютмай турибди дунё,
Айб бизлардами, ёки замонда?

Ҳалол -ҳаром фарқин билмас баъзилар,
Олтин, тилло йиғмоқ бўлди орзулар,
Қарғашар замонни келса қайғулар,
Айб бизлардами, ёки замонда?

Ҳали яхшилар кўп, ҳаёт фаровон,
Кўнгли пок инсонлар бўлишсин омон,

Жавобин тополмай Азимжон ҳайрон,
Айб бизлардами, ёки замонда?

Зинхор

Оллох буюрган йўлдан юр,
Ўзингча йўл тутма зинхор.
Нафсингни тий, насибанг тер,
Шайтонга эрк берма зинхор.

Турсанг бир юмушга яраб,
Олгувчи бўлмагин сўраб.
Кишининг қўлига қараб,
Азиз бошни эгма зинхор.

Ҳаммадан зўр бой бўлай деб,
Уй эмас қаср қурай деб.
Беш кун майшат қилай деб,
Иймонингни сотма зинхор.

Ёзғитдан чиқо билмассан,
Қуш бўлиб учо билмассан.
Орқалаб кето билмассан,
Бойликга ҳирс қўйма зинхор.

Мазмунли яшаш муддао,
Соғлигинг тила аввало.
Ёлғончи, гирдобли дарё,
Faфлат босиб чўкма зинхор.

Худо берса, киссанг тўлар,
Касбу-коринг ривож бўлар.

Азимжон бир шуни тилар,
Номусингдан кечма зинхор.

Күйламайинму?

Үйлаб-үйлаб бўлдим тунлари бедор,
Номусдан, виждондан мансаб устувор,
Яратган Аллоҳни унугланлар бор,
Ё ман бу гапларни ўйламайинму,
Айтинг, биродарлар, йиғламайинму?

Ўғил ўз ҳазинда кайфини сурар,
Хаста ота муштоқ йўлга термулар,
Бу ҳолатни кўриб шайтон шод кулар,
Ё ман бу гапларни ўйламайинму,
Айтинг, биродарлар, йиғламайинму?

Яхшилар номига доғ тушар гоҳо,
Ёмонни мақташар, у дея танҳо,
Бунча нағмаси кўп, алдоқчи дунё,
Ё ман бу гапларни ўйламайинму,
Айтинг, биродарлар, йиғламайинму?

Дастурхон устида қадрли дўстлар,
Ишинг тушиб борса хас, чўпдан пастлар,
Дўстидан аразлар, қалбида қасдлар,
Ё ман бу гапларни ўйламайинму,
Айтинг, биродарлар, йиғламайинму?

Ўзбекнинг қизлари ҳаёли бўлар,
Кесилган соchlарнинг заволи бўлар,
Утилган қошларнинг саволи бўлар,
Ё ман бу гапларни ўйламайинму,
Айтинг, биродарлар, йиғламайинму?

Тинч замонга шукр қилгувчилар кўп,
Ота-она қадрин билгувчилар кўп,
Аллоҳнинг измида юргувчилар кўп,
Ё ман бу гапларни ўйламайинму,
Азимжон, шод бўлиб куйламайинму?



Яшайверамиз

Синовларга қўксимиз тутиб,
Дард келганда юракга ютиб,
Бахтли, шодон кунларни кутиб,
Орзу қилиб яшайверамиз.

Қолмайлик деб уят, иснодга,
Пок кўнгил-ла боқиб ҳаётга,
Етармиз деб, бир кун муродга,
Умид этиб яшайверамиз.

Сажда қилиб, асраб иймонни,
Кузғунлардан сақлаб виждонни,
Суйиб Ҳақни, қувиб шайтонни,
Аллоҳим, деб яшайверамиз.

Ўғил-қизга сўраб баҳт, камол,
Кўрмасин деб ҳаётда завол,
Яхши ният, ўйимиз ҳалол,
Тўйлар кутиб яшайверамиз.

Чархфалакдек айланиб дунё,
Умр оқар мисоли дарё,
Гоҳ ғам чекиб, шод бўлиб гоҳо,
Йиғлаб, кулиб яшайверамиз.

Азимжон, келсин дуомиз деб,
Аллоҳ эшитгай нидомиз деб,

Кимгадир тегар фойдамиз деб,
Шеърлар ёзиб яшайверамиз.
Худойим, деб яшайверамиз.

Озгина

Дабдабанг жонимга тегди,
Дўстим, камтар бўл озгина.
Манманни эл ҳам хушламас,
Дўстим, камтар бўл озгина.

Кибру-хаво кимга керак,
Таккаббурсан, ҳам тош юрак,
Измингда бўлса ҳам фалак,
Дўстим, камтар бўл озгина.

Мақтанимай туролмайсанми?
Гердаймай юролмайсанми?
Хақ қулисан, билмайсанми?
Дўстим, камтар бўл озгина.

Капчанг келмай ҳеч ишга сан,
Тўйган хўроздек шишасан,
Бир кун тик бўйинг тушасан,
Дўстим, камтар бўл озгина.

Оллоҳ ҳаммани teng кўрар,
Насиба, ризқни у берар,
Азимжон, ўзинг бос, деяр,
Дўстим, камтар бўл озгина.

Бу дунё

Ким бор, айтинг, армони йўқ,
Нолишлари, фифони йўқ,
Сирларининг поёни йўқ,
Сехрли жумбоқ бу дунё.

Юракни тирнар бир туйғу,
Адоғи йўқ ният, орзу,
Оёқ остида ғам, қайғу,
Бунчалар қийноқ бу дунё.

Йиғламассан ё кулмассан,
Доим ғоз бўлиб юрмассан,
Эрта не бўлар, билмассан,
Сўнги йўқ сўроқ бу дунё.

Сезмассан маст юрганингни,
Ўз бағрингни тилганингни,
Топганингда суйганингни,
Айрилиқ, фироқ бу дунё.

Гоҳо яхшини қийнайди,
Гоҳо ёмонни сийлайди,
Балки шундайин синайди,
Қилмиши аҳмоқ бу дунё.

Хақ амрига қарши туриб,

Ношукр бўлма оҳ уриб,
Азимжон, яша шод бўлиб,
Қанчалар қайноқ бу дунё.

Йигитни

Бир қориндан тушган ининг,
Қиё боқмас чўккан кунинг,
Аллоҳдан сўра ҳар даминг,
Йигитнинг бахти ётмагай,
Ҳеч қачон иши қайтмагай.

Дастурхонинг бўшаб қолар,
Дўсту ёринг четга олар,
Ёлғиз ота-онанг қуяр,
Йигитнинг бахти ётмагай,
Ҳеч қачон иши қайтмагай.

Кўлдан кетса амалларинг,
Қуёндир ишонганларинг,
Мўрт чиқар суюнганларинг,
Йигитнинг бахти ётмагай,
Ҳеч қачон иши қайтмагай.

Номардга берса давронни,
Босқилар элни, дўғғонни,
Шу сабаб ҳар мард ўғлонни,
Йигитнинг бахти ётмагай,
Ҳеч қачон иши қайтмагай.

Азимжон бир солих бандা,
Ҳақ дейди то жон бор танда,
Сажда қилиб сўрар кунда,

Йигитнинг бахти ётмагай,
Хеч қачон иши қайтмагай.

Қондошларинг

Дунё топсанг эсдан чиқар,
Оға-ини, қондошларинг.
Бахтинг ётса ташлаб қочар,
Суянган елкадошларинг.

Йигитга бўлгай Оллоҳ ёр,
Бошқани ёрдами бекор,
Ишон, шод бўлгувчилар бор,
Қондек оқса кўз ёшларинг.

Синаб берар мол-дунёни,
Билмассан келар балони,
Балки, юраги қароми
Ишонганинг, сирдошларинг?

Соғ-омон юрсанг бўлгани,
Ризқингни терсанг бўлгани,
Ўқ кўрмай ўтсанг бўлгани,
Ғам кўрмагай издошларинг.

Азимжон, дуо қил эрта-кеч,
Дўстларинг ўкинмагай ҳеч,
Душманинг суюнмагай ҳеч,
Метиндан қил бардошларинг.

Элдир

Осмонни күп қилма ҳавас,
Тутиб турган ердир сени.
Унутма шуни бир нафас,
Одам этган элдир сени.

Мақтов, олкишларга учиб,
Дўст, қадрдон эсдан чиқиб,
Ҳатто ўзлигинг унутиб,
Етганинг бир пулдир сени.

Аллоҳим давлат берди, деб,
Энди омадим келди, деб,
Елкамга шамол тегди, деб,
Ишонганинг елдир сени.

Бир умр орзу қилганинг,
Бойлик излаб юрганинг,
Шон-шавкат, шухрат, деганинг,
Ёниб битган кулдир сени.

Азимжон эслатди -қўйди,
Очкўзлигинг бошинг ейди,
Билдим бу сўз бағринг ўйди,
Эшигжакинг шулдир сени.

Сезмабмиз

Кечагина гүдак эдик,
Қайғу билмас, қувноқ эдик,
Гүё ёшлик мангудердик,
Умр ўтганин сезмабмиз.

Хали ўзимиз ёш билиб,
Үспириндең бебош билиб,
Яшайвердик шүхлик қилиб,
Чарх айланганин сезмабмиз.

Мана, сочга ҳам оқ қүнди,
Юзга оз-моз ажин урди,
Болалик бир эртак энди,
Құлдан кетганин сезмабмиз.

Фарзандлар бўйимизга тенг,
Орзуси, ўйимизга тенг,
“Шулар завол бўлмасин” денг,
Бўйи етганин сезмабмиз.

Озгина ўзгариш вақти,
Ўғил-қизни ўйлаш вақти,
Набиралар суйиш бахти,
Етиб келганин сезмабмиз.

Азимжон, булбулдек сайраб,
Яшаш керак экан яйраб,

Куларман, кўзгуга қараб,
Даврон ўтганин сезмабмиз.

Ҳисоб-китобли

Эй одамзот, ютқазма,
Вақтни қўлдан кетказма,
Фурсатингни ўтказма,
Умринг ҳисоб-китобли.

Нафас олганда инсон,
Умрин арралар, ишон,
Оғиздан кириб чиқкан,
Даминг ҳисоб-китобли.

Шундай экан яша шод,
Сендан из қолсин обод,
Бир бор берилган ҳаёт,
Кунинг ҳисоб-китобли.

Бехуда вақт йўқотма,
Йўлбарс бўл, изга қайтма,
Ҳали кундузинг айтма,
Тунинг ҳисоб-китобли.

Азимжон, шундай дунё,
Бошда ҳар дам минг ғавғо,
Ношукр бўлма асло,
Шукринг ҳисоб-китобли.

Шукр қил

Шу кунга етганинг учун,
Тинч-омон юрганинг учун,
Фонийга келганинг учун,
Ҳар нафас, ҳар дам шукр қил.

Камтар бўлгин гапирганда,
Ўзинг бос омад келганда,
Ошиқма давлат берганда,
Йўғинда оз-моз сабр қил.

Ғамда енгилма, бўл бардам,
Орзуға етарсан кам-кам,
Изингни ўйлаб бор ҳар дам,
Етти ўлчаб, сўнг фикр қил.

Бўлма бебош, манман, мағрур,
Суя, ким қўумакка зарур,
Чиранма, кучингдан бевур*,
Мингни кўр, кейин зикр қил.

Азимжон, ният эзгулик,
Иш эт битта ном қолгулик,
Ёшларга ибрат бўлгулик,
Гўзал, чиройли умр қил.

Бевур-бехуда

Умр

Сүйіб яша кундуз, тунни,
Қадрига ет ҳар бир кунни,
Эрта, топмайсан бугунни,
Умр ўтар шунчалар тез.

Кечаги гүдак улғаяр,
Үсиб, униб катта бўлар,
Бел буқчаяр, ҳасса олар,
Умр ўтар шунчалар тез.

Қани сўлмаса гул боғлар,
Ёшлигинг, чиройли чоғлар,
Инсонни ўртар шу доғлар,
Умр ўтар шунчалар тез.

Ҳаёт -дарё, тошиб оқар,
Кўзни очиб юммай ўтар,
Чироқдек ялп этиб ўчар,
Умр ўтар шунчалар тез.

Инсон билса кетмоғини,
Ёлғончидан ўтмоғини,
Ранжитмасди бир-бирини,
Умр ўтар шунчалар тез.

Азимжон, келдингми, яша,
Яхшилик қил, ҳалол ишла,

Ҳаммани покликга бошла,
Умр ўтар шунчалар тез.

Қарз

Бир одамдан қарз олганда,
Кўрсанг рангинг бўлар сомон.
Жонинг чиқар сўраганда,
Нокасдан қарз олсанг ёмон.

Зарур этмагай номардга,
Гаппи йўқ сўз солсанг мардга,
Кўплиқда қиласар шарманда,
Пасткашдан қарз олсанг ёмон.

Сурбетлигини қўймайди,
Устамасини ўйлайди,
Бору йўқингга турмайди,
Судхўрдан қарз олсанг ёмон.

Қарздан қўрқсанлар тинч яшар,
Қарздорлик ҳар йўлга бошлар,
Бўша сўзлаб, кўнглинг ғашлар,
Безбетдан қарз олсанг ёмон.

Ўзидан ўзгага асло,
Зор қилмагай Қодир Худо,
Миннат бўлар ҳар доимо,
Билмасдан қарз олсанг ёмон.

Қаттиқ нон еганинг яхши,
Оч-юпун юрганинг яхши,
Камбағал бўлганинг яхши,
Нодондан қарз олсанг ёмон.

Азимжон, бор-йўқ сабр қил,
Соғ юрганингга шукр қил,
Омонат Аллоҳдан, шод бўл,
Иблисдан қарз бўлсанг ёмон.



Боридан-йўғи

Бемор пайтинг хизматингда бўлмаса,
Ярим кўнглинг бутун қилиб билмаса,
Кекса чоғинг суянчинг бўлолмаса,
Бундай ўғил-қизнинг боридан-йўғи.

Обод этолмаса босган изингни,
Оқлолмаса берган нону-тузингни,
Ёруғ қилолмаса агар юзингни,
Бундай ўғил-қизнинг боридан-йўғи.

Оппоқ сочинг хурматини билмаса,
Хизматингда “лаббай”, дея турмаса,
Кучдан қолганингда мадор бўлмаса,
Бундай ўғил-қизнинг боридан-йўғи.

Сўрамаса кекса ота ҳолини,
Эшитмаса муnis она зорини,
Миннат билан берса бурда нонини,
Бундай ўғил-қизнинг боридан-йўғи.

Азимжон, кексалик ета билсанг баҳт,
Азиз бўлсанг, шудир давлат, шудир тахт,
Нақобил фарзандлар чораси йўқ дард,
Бундай ўғил-қизнинг боридан-йўғи.

Боланг эса болам дер

Фарзандлар –жоним, дединг,
Томирда қоним, дединг,
Сизники борим, дединг,
Боланг эса болам дер.

Мурод этиб бўйига,
Сарпо йиғдинг тўйига,
Бир келмадинг ўйига,
Боланг эса болам дер.

Отангдан азиз кўрдинг,
Онангдан азиз билдинг,
Бор меҳринг унга бердинг,
Боланг эса болам дер.

Унга дединг йиғганинг,
Териб-тутиб топганинг,
Эсида йўқ боққанинг,
Боланг эса болам дер.

Бедор бўлиб тун, кеча,
Кутдинг йўлин бир неча,
Ором билмадинг пича,
Боланг эса болам дер.

Азимжон айтди-кўйди,
Кўрганин хатга терди,

Бошқа яна не дерди,
Боланг мудом болам дер.

Ёмон хотин

Сочингга оқ тушар ўттиз ёшиңгда,
Эс-хүш бўлмас жанжал тўла бошиңгда,
Азроил ўтирган каби қошиңгда,
Ёмон хотин жаҳаннамдан нишондир.

Пиширган овқати кунда минг миннат,
Ҳаётда орзузи фақат зеб-зийнат,
Эрини ер қилиб, айлар бехурмат,
Ёмон хотин жаҳаннамдан нишондир.

Ундан яхшироқdir уч бошли аждар,
Юввош десанг, шишиб боради баттар,
Қарғишиш тўрвасидан оқади заҳар,
Ёмон хотин жаҳаннамдан нишондир.

Уйини супурмас бўйини безаб,
Эри юрар ангса кирини гизлаб,
Овва-қўшнини ҳам учираш тузлаб,
Ёмон хотин жаҳаннамдан нишондир.

Ош-овқатин маълуми йўқ фарзандлар,
Она бир ён кетса, шундай хурсандлар,
Бу онага хайф бўлсин жаннатлар,
Ёмон хотин жаҳаннамдан нишондир.

Эшикни очолмас дўст -ёр, бир меҳмон,
Игна ютган итдек эр юзи сомон,
Кўрсатмасин умматига ҳеч қачон,
Ёмон хотин жаҳаннамдан нишондир.

Инсоф берсин ҳар бир аёл зотина,
Оллоҳ хурмат берди эркак одина,
Азимжон, шукр қил яхши хотина,
Ёмон хотин жаҳаннамдан нишондир.



Бахт

Хар бир күзга нур бергай,
Бу дунёни күрмөк -бахт.
Бор мучаси соғ бўлгай,
Соғу-омон юрмөк -бахт.

Ҳалол еб, ҳалол ишлаб,
Меҳнат қилиб, тинч яшаб,
Кеч келганда ёнбошлаб,
Эрта сахар турмөк -бахт.

Ёлғизлик Аллоҳга хос,
Жуфт берса қалбинга мос,
Бир-биринг қилиб эъзоз,
Севилмөк ҳам севмоқ -бахт.

Үғлинг бўлса иймонли,
Қизинг бўлса хаёли,
Келин берса иболи,
Набиралар севмоқ -бахт.

Келсак-да биз меҳмонга,
Тилагим ҳар инсонга,
Кириб саксон, тўқсонга,
Қўлга ҳасса олмоқ -бахт.

Эзгуликдан тахт қурсанг,
Бир корга яраб турсанг,

Кимгадир керак бўлсанг,
Азимжон, яшамоқ -бахт.

Кулма

Куз, қиши бор, доим гулбаҳор бўлмас,
Истак, орзу доимо тайёр бўлмас,
Ҳамма ҳам бой, ҳамма мансабдор бўлмас,
Рўзғор учун меҳнат қилгандан кулма.

Кулма ямоқ чопон кийгандан зинҳор,
Одамзотнинг бойлиги -ғурури бор,
Қалбда иймон, виждан бўлгай устувор,
Ҳалол яшаб, ҳалол егандан қулма.

Ёлғон дунё, ўткинчидир, оч қўзинг,
Икки дунё ёруғ бўлгай гул юзинг,
Туғишганга ёқмаса-да рост сўзинг,
Қилич келса, ҳақни дегандан кулма.

Чин маконга саҳоватга тўлиб бор,
Молинг қолар, савобларинг олиб бор,
Йўлин йўқотганни йўлга солиб бор,
Азимжон, зинҳор адашгандан кулма.

Хотин топса

Оила устуни эркак,
Топувчи, бокувчи демак,
Жони соғ эрнинг ишими-
Хотин топса ётиб емак.

Эр топганда барака бор,
Майли суюнч бўлсин ночор,
Охир замондан шум хабар,
Хотин топса ётиб емак.

Бизнинг юртда аёл азиз,
У муқаддас, қалби нафис,
Ўзбекга ярашмас ҳаргиз,
Хотин топса ётиб емак.

Юртма-юрт кезса аёл зот,
Мўмин йигитга бу иснод,
Менимча, жуда ҳам уят,
Хотин топса ётиб емак.

Ўйламай сўзлаб, Азимжон,
Кўнгилга тегма ногаҳон,
Барибир, барибир ёмон,
Хотин топса ётиб емак.

Кетгувчимиз

Дўстлар, ёлғон айвонига,
Бир-бир келиб кетгувчимиз.
Гўёки жанг майдонига,
Синов учун келгувчимиз.

Буни таъриф қилиш кийин,
Ҳаёт -қимор, қизиқ ўйин,
Беш кун бурун, беш кун кейин,
Чин манзилга етгувчимиз.

Ҳақ ҳаққин барибир олар,
Ким кетмади, ким ҳам қолар,
Ажал дамда чанггал солар,
Барчамиз ҳам ўтгувчимиз.

Айланмай ношуд харобга,
Улгурайлик кўп савобга,
Бир куни ҳисоб -китобга,
Ҳузурига боргувчимиз.

Яшашга келдик ҳаётга,
Инсон қолмагай иснодга,
Олти оёқли ғиротга,
Вақти келса мингувчимиз.

Фоний номли кошонада,
Ким масжид, ким майхонада,
Нима бўлса пешонада,
Биз қуллари кўргувчимиз.

Оллоҳга сигин, Азимжон,
Ҳар танда омонат бу жон,
Қачон сўраса, у меҳмон,
Ҳеч илож йўқ, бергувчимиз.



Аёл кутса

Аёл бўлса оқил, лобар,
Эр мис топса, дейди гавҳар,
Эркак бўлмайди дарбадар,
Уйда яхши аёл кутса.

Кўчадан келганда чарчаб,
Жуфтинг чикса қўзи яшнаб,
Тани, жонинг кетар яйраб,
Уйда яхши аёл кутса.

Ўғил-қиздан тинч бўларсан,
Суянч борлигин биларсан,
Ҳар дам хотиржам юарсан,
Уйда яхши аёл кутса.

Нону-ошинг, чойинг тайёр,
Саранжом уй, жойинг тайёр,
Йигитга ўзга не даркор,
Уйда яхши аёл кутса.

Бир дам ўтса кўргинг келар,
Үйингга югургинг келар,
Бошингга қўтаргинг келар,
Уйда яхши аёл кутса.

Азимжон, чироғинг ёқиб,
Йўлларингга қўзин тутиб,
Бахт-оиланг обод этиб,
Уйда яхши аёл кутса.

ҮФИЛ

Үфил күрдим, деб шод бўлиб,
Тўйлар этиб, кўчкор сўйиб,
Яхши ният, умид қилиб,
Юрганинг бекор бўлмагай.

Үфлинг доно бўлса, баҳтинг,
Нодон бўлса йиқар таҳтинг,
Учар эс-ҳушиңг, ҳам ақлинг,
Фарзандинг беор бўлмагай.

Фарзанд берса, изинг тутса,
Ўлсанг, чироқингни ёқса,
Эл-юртдан раҳмат эшитса,
Ундан ҳеч озор бўлмагай.

Болангни шоҳ, подшо билиб,
Ўстирсанг, эркатой қилиб,
Иш қилмаса бўша юриб,
Қўлида касб, кор бўлмагай.

Тарбия қил болаликдан,
Одат бўлмас ҳар қилиқдан,
Фарзандинг қилган шўхликдан,
Бошинг шармисор бўлмагай.

Азимжон тилаги, сўзи,
Ўчмагай ҳеч банда изи,
Умид этган ўғил-қизи,
Икки дунё хор бўлмагай.

Суюнтирма

Қадрдоним, қаддинг тик тут,
Қайғу-ғамларингни унут,
Бу фонийдан шод бўлиб ўт,
Душманларни суюнтирма.

Инсонсан, шаъннингни сақла,
Яқинлар ишончин оқла,
Харом молга қиё боқма,
Шайтонларни суюнтирма.

Сабр-минг бир дардга малҳам,
Оқилларга Оллоҳ ҳамдам,
Ақлингга иш буюр ҳар дам,
Нодонларни суюнтирма.

Азимжон, Роббингдан тилаб,
Яша юртга тинчлик сўраб,
Худо қарғаганни сийлаб,
Ёмонларни суюнтирма.

Аллоҳга илтижо

Аллоҳим ҳар бир бандани,
Үқ кўрсатиб йиқмагайсан.
Ҳар отани, ҳар онани,
Болам, деб йифлатмагайсан.

Берганингга “шукр” дедик,
Ўзингни паноҳ деб билдиқ,
Кечир агар гуноҳ килдиқ,
Болам, деб йифлатмагайсан.

Бармоғига ногоҳ тикон,
Кирса ҳам қийналар бу жон,
Караминг кенг, буюк Раҳмон,
Болам, деб йифлатмагайсан.

Биларман, ёлғончи ҳаёт,
Ёш умрин қилмагин барбод,
Бошни уриб, чекиб фарёд,
Болам, деб йифлатмагайсан.

Қон ёшга тўлмагай қўзлар,
Сарғайиб сўлмагай юзлар,
Изда қолгай ўғил-қизлар,
Болам, деб йифлатмагайсан.

Ҳеч банда бевақт ўтмагай,
Инсон чироғи ўчмагай,
Илтижом беҳуд кетмагай,
Болам, деб йифлатмагайсан.

Ким чекса бундай балони,
Охи куйдирап дунёни,
Үтдим бойликни, тиллони,
Болам, деб йифлатмагайсан.

Азимжонман, сен туфайли,
Билим, касб -кор бердинг, балли,
Мани жоним олгин, майли,
Болам, деб йифлатмагайсан.



Ёдда тут

Бир бўлай деб кўп уринма.
Мансаб амалга берилма.
Осмонга кўп ҳам талпинма.
Ўз оёқ остинг ёдда тут.

Парвоз чиройлидир балки,
Лекин қўниш жуда хавфли,
Она ер доим ишончли,
Ўғлисан, аслинг ёдда тут.

Мол топсанг, бўлсин ҳалолинг,
Юртга тегмасин малолинг,
Фаришталарда хаёлинг,
Инсонсан, исминг ёдда тут.

Сув билан тупроқ экан тан,
Демак, замин бизга ватан.
Ё ойдан тушганмисан сан,
Тупроқдир аслинг, ёдда тут.

Қанча олтин, дур йигсанг-да,
Искандардек юрт олсанг-да,
Тўқсон, юз ёшга кирсанг-да
Ер бўлар жисминг, ёдда тут.

Ер табаррук, дер боболар
Кўзига суртар момолар.
Аждодинг –Одам, Ҳовволар
АЗИМЖОН, наслинг ёдда тут.

Дуоларин олиб қол

Отанг қўлларин ўпид,
Пешонангга суреб қол.
Онангни ризо этиб,
Дуоларин олиб қол.

Фарзанд, оҳ чекмай десанг,
Афсусда қолмай десанг,
Изимни ёқмай десанг,
Дуоларин олиб қол.

Сиҳатгоҳларга обор,
Макка тиллога юбор,
Оиланг бўлар гулзор,
Дуоларин олиб қол.

Аяма ширин сўзинг,
Хизматида бўл ўзинг,
Қайтарар ўғил -қизинг,
Дуоларин олиб қол.

Ота-ю она меҳмон,
Кетса қайтмайди, ишон,
Сеники бўлар даврон,
Дуоларин олиб қол.

Жеркма кекса ҳолида,
Яйраб ўсдинг боғида
Сийлаб тирик чоғида
Дуоларин олиб қол.

Аллоҳим кўриб турар,
Сарфлайвер, ўрни тўлар,
Бирингга мингни берар,
Дуоларин олиб қол.

Борсан улар туфайли,
Ўрни билинар ҳали,
Ҳақ учун бўлсин, майли,
Дуоларин олиб қол.

Қарғиши –ўқ, тугатар
Дуолари яшнатар,
Ҳаёting обод этар,
Дуоларин олиб қол.

Азимжонни дўст билсанг,
Шу гал сўзимга кирсанг,
Эртадан умид қилсанг,
Дуоларин олиб қол.



Оқ фотиха

Қайга борса қадри баланд, ишонинг,
Оллоҳ берар унга мадад, ишонинг,
Юзи қизил, тили новвот, ишонинг,
Отасидан оқ фотиха олганнинг.

Фаришталар таъзим қилар йўлида,
Ҳизр бобо ҳамроҳ ўнггу сўлида,
Жаннат гули ўсар хаёт боғида,
Онасидан оқ фотиха олганнинг.

Айтган сўзи яқин бўлар юракка,
Усиз ўтмас тўйу-базм, марака,
Топиш- тушишинда бўлар барака,
Устозидан оқ фотиха олганнинг.

Нони бутун бўлар, уй-эли бўстон,
Ниятларин бажо айлайди Раҳмон,
Юки ерда қолмайди бил, Азимжон,
Элу юртдан оқ фотиха олганнинг.



Бало қурсин

Күп мағрур тутдирап үзни,
Шувут этар гулдек юзни,
Күр қилади очиқ күзни,
Кибр деган бало қурсин.

Салом бердирмас каттага,
Тилни йўлатмас тавбага,
Дўзахга тиқар эртага,
Кибр деган бало қурсин.

Нимаики берса Худо,
Манман тан олмайди асло,
Диндан ҳам оздирап ҳатто,
Кибр деган бало қурсин.

Она ер эсдан чиқади,
Бурун осмонга кетади,
Бир кун бошга ҳам етади,
Кибр деган бало қурсин.

Бирман, бирман, дейди кўнгил
Зўрман, зўрман, дейди кўнгил
Сўнг иймонни ейди кўнгил,
Кибр деган бало қурсин.

Душмани қилас Аллоҳнинг,
Жазоси осий, гумроҳнинг,
Энг оғиридир гуноҳнинг,
Кибр деган бало қурсин.

Азимжон кўрдинг шум хаёт,
Ўтар, кетар бир зум хаёт,
Инингни ҳам айлайди ёт,
Кибр деган бало қурсин.



Дўстингни сотма

Шуҳратга, мансабга учиб,
Бойликга, давлатга учиб,
Беш кунлик ишратга учиб,
Дўстингни сотма, дўстингни.

Кўча чангитиб ўсгансан,
Бир майизни бўлишгансан,
Ваъдалашиб, аҳд қилгансан,
Дўстингни сотма, дўстингни.

Агар ким нима деса ҳам,
Озгина кўнглинг қолса ҳам,
Ҳаёт, у сендан кечса ҳам,
Дўстингни сотма, дўстингни.

Йўғида кўмакдоши бўл,
Дард чекса, елкадоши бўл,
Қалбига кир, сирдоши бўл,
Дўстингни сотма, дўстингни.

Азимжон фидо дўст учун,
Дилингда сақлама тугун,
Майли, у сотсин, лекин сен,
Дўстингни сотма, дўстингни.

У қандайин

(Баъзи бир ёшига ярашмайдиган
қилиқларни қиладиганлар кўриб)

У қандайин ота-она,
Фарзандларидан ор қилса,
Ўз ҳаловати деб яна,
Ўғил-қизини хор қилса.

Ўйлаб гапирмай хеч сўзни,
Шувут этса гулдек юзни,
Ноҳақ қарғаб ўғил-қизни,
Ўзидан кўп безор қилса.

Ёки тирик етим қилиб,
Мурғак қалбларини тилиб,
Ўзи кайфу-сафо суриб,
Ўғил-қизга озор қилса.

Одамга ўхшамайдиган,
Фақат ўзин ўйладиган,
Ёшига ярашмайдиган,
Қилиқларни такрор қилса.

Азимжон, сен шуни билгил,
Соч оқига шукр қилгил,
Фарзандларни ўйлаб юргил,
Агар ёшлиқ хумор қилса.

Мехнатларингдан

Хотиржам, тинч яшолмаймиз,
Ҳатто ўйнаб-кулолмаймиз,
Эркин нафас ололмаймиз,
Ғийбатчи, ғийбатларингдан.

Яхшиларнинг бағрин тилма,
Ноҳақ гапни ҳеч гапирма,
Гул юзларни қаро қилма,
Тухматчи, тухматларингдан.

Айтилмайди хайру эҳсон,
Бунча мақтандинг, эй нодон,
Саховат ўртада ҳайрон,
Миннатчи, миннатларингдан.

Бошга кўтариб дунёни,
Тўхтатмай нолиш, ғавғони,
Тинч қўй Яратган Худони,
Ҳасратчи, ҳасратларингдан.

Азимжон, ҳақни сўзлаб юр,
Ёмонни бағрин тузлаб юр,
Фақат эзгулик кўзлаб юр,
Савоб иш, меҳнатларингдан.

Кулманг яна

Үйламай иш қилиб зинҳор,
Бир мўминга берманг озор,
Ким бўлмасин муҳтоҷ, ночор,
Аҳволидан кулманг яна.

Тўрга ўтириб бой келса,
Қувманг ғариб меҳмон бўлса,
Гадо бой бўлар Ҳақ берса,
Қисқа фикр килманг яна.

Оллоҳ учун ҳаммамиз бир,
Ёзғит, пешонада муҳр,
Худо деб яшанг бир умр,
Шайтонга дўст бўлманг яна.

Тоза қалб -инсон бойлиги,
Фарзанддир вақти-чоғлиги,
Давлатдир жоннинг соғлиги,
Ўзга бойлик сўрманг яна.

Азимжон, кўнглимни очдим,
Сирларимни сизга сочдим,
Юракда борини ёздим,
Мендан хафа бўлманг яна.

Қадр-қимматсиз қүшни

“Уй олмагин -қүшни ол”,
Қадимдан бор бу мақол,
Тик қоматинг қилас дол,
Қадр-қимматсиз қүшни.

Пок номингга тош отар,
Йўқ айбинг кавлаб топар,
Кўрса, ит каби қопар,
Номус-ибосиз қүшни.

Ҳамсоям деб суйолмас,
Тўйингда тик туролмас,
Бахт-иқболинг қўролмас,
Беор-уятсиз қўшни.

Қилмас иззат-хурматинг,
Сўзлар мудом ғийбатинг,
Сийлар бўлса мансабинг,
Шарми ҳаёсиз қўшни.

Ким унинг қадрин билмас,
Азимжон қўшним демас,
Бу шеър сиз учун эмас,
Кўнгли ғуборсиз қўшни.

Чироғинг ёқмоққа

Хақ буюрса зурёд қолар,
Үлсанг, чироғинг ёқмоққа.
Бари эртакга айланар,
Фурсат етса күз юммоққа.

Молу-дунё излаб нодон,
Бунчалар бўлмасанг сарсон,
Дунёга келдингми, инсон,
Қоғоз ҳам темир йифмоққа.

Аввал кийимсиз ҳам юрдинг,
Сўнгра чайлани уй билдинг,
Кейин қаср, сарой қурдинг,
Келгандек боқий қолмоққа.

Олдин келганларни эсла,
Даврон сурғанларни эсла,
Ташлаб кетғанларни эсла,
Сен кимсан, олиб кетмоққа.

Худодан ҳам юз ўғирдинг,
Қўлингга тушганни шилдинг,
Айт, кимга сен хайр қилдинг,
Эслаб, дуолар қилмоққа.

Азимжон, етар, бўлди бас,
Тушунмас сўзингга нокас,
Билмайди у, шай ҳар нафас,
Азроил жонин олмоққа.

Эллик ёш

Ёшинг бўлганида эллик,
Бир нигоҳ сол изингга сен.
Не иш қилдинг арзигулик,
Савол бергин ўзингга сен.

Энди шўхликлардан сал қайт,
Кайфу сафолардан сал қайт,
Ибрат бўла олдингми, айт,
Ўғил хамда қизингга сен.

Яратдингми бир гўзал боғ,
Яшамоқ учун вақти чоғ,
Орттирдингми ё қаро доғ,
Оппоққина юзингга сен.

Фарзанд эдинг ота бўлдинг,
Набира суйиб улгурдинг,
Дўстим қачон шукр қилдинг,
Ҳақ берган ризқ -рўзингга сен.

Мўминнинг фарзини этиб,
Рўза тутгин намоз ўқиб,
Сиғин ҳамду-сано айтиб,
Аллоҳдек ёлғизингга сен.

Қуда -андали бўлгансан,
Ҳаётдан сабоқ олгансан.
Уят, сал хато қилсанг сан,
Қараб юргин қўзингга сен.

Ёшига қараб ҳар инсон,
Иш тутса бўлмасди ёмон.
Амал қилғайсан, Азимжон,
Элликда шу сўзингга сен.



Оға-ининг

Аждодлар рухи тинч ётар,
Фарзандлар меҳрли ўсар,
Қайси номард йўлинг тўсар?
Ахил бўлса оға-ининг.

Худо ҳам сенга мададкор,
Айт ўзгадан не каминг бор,
Ёт босқилаб, қилолмас хор,
Ахил бўлса оға-ининг.

Сал айбинг кўзга кўринмас,
Бори-йўғинг ҳам билинмас,
Ўқсиниб бағринг тилинмас,
Ахил бўлса оға-ининг.

Келмаса ҳам, бор уйига,
Жигарим, деб кир кўнглига,
Худонинг инъоми сенга,
Ахил бўлса оға-ининг.

Азимжон, довон ошарсан,
Тошқин дарёдек тошарсан,
Қайғу билмайин яшарсан,
Ахил бўлса оға-ининг.

Билгувчи бор, билиб қўй

Бирорга яхшилик қилсанг, билмади, деб куюнма.
Кимгадир ёмонлик қилсанг, қайтмади, деб суюнма.
Айбинг бўлса, яширмоққа жон жаҳд ила уринма.
Яратгувчи-ҳар нарсани билгувчи бор, билиб қўй.
Барчасини ҳисоб -китоб қилгувчи бор, билиб қўй.

Ўзингча тегмаганга ҳам тошлар отиб юрибсан.
Ким кўрди, деб етимни ҳам туз-хаққини ейибсан.
Ман зўрман, сиз ожиз, дея мискинлардан кулибсан.
Нодон, сенинг устингдан ҳам кулгувчи бор, билиб қўй.
Барчасини ҳисоб -китоб қилгувчи бор, билиб қўй.

Яхшилигинг билмасалар, Худо учун қиласвер.
Сени қарғаганларга ҳам, Ҳақдан инсоф тилайвер.
Юртга тинчлик, фарзандларга узок умр сўрайвер.
Яхши, ёмон ниятларни ёзгувчи бор, билиб қўй.
Барчасини ҳисоб -китоб қилгувчи бор, билиб қўй.

“Астағфириллоҳ”ни айтиб, каломли бўлсин тилинг.
Калимаи шаҳодатни макон айласин дилинг.
Қалб Аллоҳда, ҳалол меҳнат билан банд бўлсин кўлинг.
Ҳақ деб севсанг, бандам дея севгувчи бор, билиб қўй.
Барчасини ҳисоб -китоб қилгувчи бор, билиб қўй.

Азимжоннинг сўзларини қолдирма бўш ҳавода.
Эзгулик қил, савобларинг бўлсин яна зиёда.
Бу дунёда қутулсанг ҳам, унитма, у дунёда,
Ҳар қадаминг учун сўроқ сўргувчи бор, билиб қўй.
Барчасини ҳисоб -китоб қилгувчи бор билиб қўй.

Волидам ҳаёт эди-да

Билмас эдим қайғу –ғамни, менда ҳеч ташвиш йўқ, дердим.
Волидам ҳаёт эди-да, нонимни хотиржам ердим.
Болаликни онам билан кўумганимни кейин билдим.
Яйраб -яшина бучоғида гулзордаги лола эдим.
Онам тирик чоғларида қирқ ёшда ҳам бола эдим.

Ҳаётнинг синовларини назар-писанд қилмаганман,
Дардкашим бор эди, сирим юрагимга кўммаганман.
Суянсам тогим эдилар, хўсторга зор бўлмаганман.
Онам бу дунёдан кетгач, айрилиқ нелигин билдим.
Онам тирик чоғларида қирқ ёшда ҳам бола эдим.

Ишим ўйин -кулгу бўлган, ҳасрат мендан йироқ эди.
Шўху шодон ўтиб умр, камина кўп қувноқ эди.
Ўтказган ҳар куним нурли, йўлим ёруғ, порлоқ эди.
Ҳаётда зулмат борлигин онамни йўқотгач кўрдим.
Онам тирик чоғларида қирқ ёшда ҳам бола эдим.

Ўғил -қизларим юзига боқиб таскин топар кўнгил.
Аллоҳ ами экан, дея, ўзини юпатар кўнгил.
Энди ундей меҳрибонни айтинг қайдан топар кўнгил.
Жойларин жаннат айла, деб, Яратганга дуо қилдим.
Онам тирик чоғларида қирқ ёшда ҳам бола эдим.

Иzlарин излаб иложсиз самоларга термуламан.
Софинч ўти қалбим эзис ич -ичимдан емриламан.
Азимжонга дийдорлари армон энди, не қиламан.
Дил хастаман, сочим киров, ҳеч ҳам кексаймасман, дердим.
Онам тирик чоғларида қирқ ёшда ҳам бола эдим.

Сақлагай

Дуо қилинг ҳар одамни,
Жабру-зулмдан сақлагай.
Аллоҳ әшиятгай ноламни,
Бевақт ўлимдан сақлагай.

Ота-она зор бўлмасин,
Багрини армон тилмасин,
Фарзанд доғин кўрсатмасин,
Бевақт ўлимдан сақлагай.

Давлат бермаса ҳам, майли,
Омад келмаса ҳам, майли,
Иш юришмаса ҳам, майли,
Бевақт ўлимдан сақлагай.

Яратганнинг карами кенг,
У учун барча банда teng,
Дуода аввал шуни денг,
Бевақт ўлимдан сақлагай.

Ёш ниҳол ўтганлар қанча,
Армонда кетганлар қанча,
Очилмай сўлганлар қанча,
Бевақт ўлимдан сақлагай.

Оҳларим тинглагай Раҳмон,
Ёш жонлар бўлмагай хазон,
Ёлвориб сўрап Азимжон,
Бевақт ўлимдан сақлагай.

Очликдан ўлсанг-да

Етим-есирни сийласанг,
Хеч кам бўлмайсан қўлласанг,
Улар хаққи тешар билсанг,-
Ема, очликдан ўлсанг-да.

Ота-она кечса ногох,
Бу гўдакни қўллар Оллоҳ,
Етимни ранжитмоқ гуноҳ,-
Тегма, нафратга тўлсанг-да.

Хайр этсанг гар шуларга қил,
Мехрибони йўқларга қил,
Бирингга минг Ҳақ берар, бил,-
Агар милярд сарфласанг-да.

Етим, норасталар сероб,
Мехр бер, аҳволин сўраб,
Тополмайсан бундай савоб,
Минг бора Ҳажга борсанг-да.

Азимжон, Худо бўлгай ёр,
Фарзандлар ўсгай бахтиёр,
Ўксинмагай шулар зинҳор,
Мехрини топ, на килсанг-да.

Миш-миш

Ёлғон гап, тұхмату бўхтон,
Унсур, иллатдир кўп ёмон,
Зулматга тушар ҳар инсон,
Бағринг тилар миш-миш гаплар.

Ёлғонга қул қилма ўзни,
Үйлаб сўзла ҳар бир сўзни,
Лойга чулғаб ёруғ юзни,
Қаро қиласар миш-миш гаплар.

Оила, уйларни бузар,
Чиройли тўйларни бузар,
Дўстлик ришталарин узар,
Жонинг юлар миш-миш гаплар.

Миш-мишлардан гаранг дунё,
Ҳар бошда, ҳар турли савдо,
Тириклик ҳолингда гўё,
Теринг шиласар миш-миш гаплар.

Рост, аччик бўлиши мумкин,
Лекин ҳақ иймонга устун,
Жон бер, Азимжон ҳақ учун,
Юртни бузар миш-миш гаплар.

Мансабингдан тушганингда

Атрофингда парвона кўп,
Жайхун бўлиб тошганингда.
Ҳол сўрашга бир ошно йўқ,
Мансабингдан тушганингда.

Қўли кўксида кутганлар,
Яшулли, деб жой берганлар,
Сени кўрсатиб кулгайлар,
Мансабингдан тушганингда.

Қайга борсанг, кайф, зиёфат,
Кўзларинг босганди ғурбат,
Ёдга тушар эски улфат,
Мансабингдан тушганингда.

Ёрдам берганларинг қочар,
Суйиб юрганларинг қочар,
Бор ишонгандаринг қочар,
Мансабингдан тушганингда.

Жонинг олмади-ку ошно,
Ўзинг йўқотма, бўл доно,
Куйинма, қўллади Худо,
Мансабингдан тушганингда.

Айтганин қил, Азимжонни,
Синов деб бил бу майдонни,
Баҳридан кеч тахт-равонни,
Мансабингдан тушганингда.

Сириңг очмагил

Йигит сўзи -отилган ўқ,
Айтиб, сўнг лафздан қайтмагил.
Ўйноқлаб обрў топган йўқ,
Гуруринг ерга урмагил.

Кўплар дунёга сотилар,
Узоққа бормай қокилар,
Сабр қил, давлат топилар,
Пок иймонингдан кечмагил.

Миннатсиз егин туз, ошинг,
Бўлсин ҳалоллик йўлдошинг,
Тухматда қолса ҳам бошинг,
Ҳак, ноҳақ қасам ичмагил.

Баъзилар мансабга учар,
Билмас охир нелар кутар,
Ўрар ҳар ким нима экар,
Ўйлаб иш қил, кўп шошмагил.

Азимжон, Оллоҳ, деб юрсанг,
Кам бўлмайсан ҳақни десанг,
Дўстдан кўп ағёр бор, билсанг,
Ҳар кимга сириңг очмагил.

Вайрон қиласар

Доноларнинг гапу сўзи,
Қалб қўргонинг бўстон қиласар.
Нодоннинг ғийбати, ўзи,
Юрак-бағринг вайрон қиласар.

Сиринг билса бир мард ўғлон,
Қалбига яширап шу он,
Топса хабар чуғил, нодон,
Юртга сиринг достон қиласар.

Ёмонга йўлдош бўлмагин,
Ҳатто сухбатдош бўлмагин,
Билмай дўст-сирдош бўлмагин,
Бир умрга сарсон қиласар.

Оқил билан суҳбатлашсанг,
Вақтинг хуш бўлар дардлашсанг,
Бефаҳм билан гаплашсанг,
Миянг чайиб, айрон қиласар.

Азимжон, эҳтиёт бўлиб,
Сўздан дур тер, ният қилиб,
Балки шу шеър баёт бўлиб,
Қалбинг элга баён қиласар.

Күнгил узма

Қадр-қимматинг билгандан,
Ҳурмату-иззат қилгандан,
Севсанг, сенчалик севгандан,
Кўлинг узма, кўнгил узма.

Савдогар, дурадгор, олим,
Саводин чиқарар муалим,
Кимдан олган бўлсанг таълим,
Кўлинг узма, кўнгил узма.

Ўйини кўп, шундай фалак,
Мусибат ҳам тўй муштарак,
Қайғули дам эл-юрт керак,
Кўлинг узма, кўнгил узма.

Довруғинг дунё тутса ҳам,
Номинг Чин, Фаранг кетса ҳам,
Йўғингда бўлгандан ҳамдам,
Кўлинг узма, кўнгил узма.

Азимжон қалбингда Аллоҳ,
Ҳеч кимни ранжитма ногоҳ,
Яратган бир буюк паноҳ,
Кўлинг узма, кўнгил узма.

Оллохга илтижо

Ёлғончига келдик бўлиб ёруғ юз,
Тоат-ибодатда кеча-ю кундуз,
Дилимда бир дуо, тилимда бир сўз,
Аллоҳ бизни бандам, ё қулим дегай.

Ким олиб кетди йиққанин қиё боқ,
Синовлардан оқил ўт, бўлма гумроҳ,
Фақат иймон, савоб ҳамроҳ кетар чоқ,
Расулуллоҳ қавмим, умматим, дегай.

Аждодларга содик зурёд бўлиб қол,
Эзгуликга, яхшиликга тўлиб қол,
Амринда бўл, Оллоҳга дўст бўлиб ол,
Чориёлар дўстим, йўлдошим, дегай.

Ҳалол бўлсанг, ризқинг келар ҳар ёндан,
Покиза ўтарсан ёлғон жаҳондан,
Қалбу дилингни ҳеч узма Қуръондан,
Одам-Ҳавво зурёдим, наслим, дегай.

Эътиқоди бутун бўлғай инсонни,
Хақ деб яшаб, қўйма тилдан каломни,
Илтижо, дуоси шу Азимжонни,
Пирим имом Аъзам мазҳабим, дегай.

Кўнгли қарони

Иймонин йўқотган баъзи бир одам,
Кўзғайверар фисқу-фасод, балони.
Таъзирин бермоққа шайландим мен ҳам,
Асло аяманглар кўнгли қарони.

Бахиллик одати, касби уларнинг,
Шайтонга тақалар насли уларнинг,
Пастларнинг пастидир асли уларнинг,
Йўлидан юрманглар кўнгли қарони.

Кўролмас шод бўлиб, ўйнаб-кулсангиз,
Хасад қиласар соғу-омон юрсангиз,
Ишингиз юришмас, агар билсангиз,
Юзини кўрманглар кўнгли қарони.

Ёвуз, ваҳший улар, кўнгил оғритар,
Ҳатто биттаси мингларни йиглатар,
Яхшиларга тухмат, бўхтон иргитар,
Сўзига кирманглар кўнгли қарони.

Азимжон, эл сен-ла, қўрқиб сўзлама,
Бундай номардларнинг айбин гизлама,
Оз бўлар, уларни қанча тузлама,
Одам деб билманглар кўнгли қарони.

САЙИДИЙ ШЕЪРЛАРИ

Бўлма

Худо туриб шайтонни,
Тавоф қилгувчи бўлма.
Яхши қолиб ёмонни,
Ёнин олгувчи бўлма.

Ота -онанг хурмат қил,
Сийла доим, иззат қил,
Дуоларин бойлик бил,
Олмай қолувчи бўлма.

Юрма шайтон йўлидан,
Чет юр иблис феълидан.
Сув берганда қўлидан,
Асло ичгувчи бўлма.

Ҳар гапни билиб гапла,
Сенга сўз берилганда,
Бир ожиз учраганда,
Асло кулгувчи бўлма.

Етимлар бошин сийла,
Худодан иймон сўра.
Ҳақнинг амрига қара,
Ҳеч юз бургувчи бўлма

Сўзла, Сайдий ўйлаб,
Ўзгани дардин тинглаб
Давлат берса кеккайиб
“Ман”лик қилгувчи бўлма.

Бордур

Бу дунёда биздан бурун,
Умр суриб ўтган бордир.
Яхши-ёмон қалб сўзини,
Биздан бурун битган бордир.

Ўтгандир неча султонлар,
Енгилмас марду майдонлар.
Ўткинчидир бу давронлар,
Барин ташлаб кетган бордир.

Инсофинг сақла одамзот,
Мол-дунё деб бўлдинг барбод.
Чекармишлар оху фарёд,
Орасинда кулган бордир.

Сайидий сўзига ишон ,
Қирқдан ўтдинг ётиб ўйлон,
Намоз ўқи, бордир имкон,
Сўнг афсусда ўтган бордир.

Топмадим

Күнгил қўйиб ман бир ёра,
Мехрини бир он топмадим.
Пайкон билан кийик урдим,
Ўлжадан нишон топмадим.

Оёқ ботса қора лойга,
Кўзларим қараб осмонга ,
Чўкиб кетиб ман уммонга,
Ҳол сўргувчи жон топмадим.

Ота туриб сўзлар бола,
Яна йиғлаб қиласар нола,
Кўз тегдими бу жаҳона,
Бир баҳтли инсон топмадим.

Мехр сотилмас тиллоға,
Кўнгил беринг бечораға,
Сайдий, келиб дунёға,
Иzzатли меҳмон топмадим.

Зор қилмағил

Сенга айлай бир илтижо,
Ниятимга етказ, Худо.
Юз кулиб турсин доимо ,
Дүстни дүстга зор қилмағил,
Ёлғончыда хор қилмағил.

Бойлик излаб бойлик топар,
Ноумиддан шайтон қочар.
Номард күприкда йиқилар,
Дүстни дүстга зор қилмағил,
Ёлғончыда хор қилмағил.

Душман кирса дүст ичиға,
Ёмон сүзлар дүст дүстига,
Дарз етар құнгил аслига,
Дүстни дүстга зор қилмағил,
Ёлғончыда хор қилмағил.

Инсон, омон бўлғай бошинг,
Бўлсин бир яқин сирдошинг,
Мард бўлиб кўтаргил бошинг,
Дүстни дүстга зор қилмағил,
Ёлғончыда хор қилмағил.

Арзимни эшитгил, Оллоҳ,
Номард дўстдан бергин паноҳ.
Сайдий қалбида шу оҳ,
Дүстни дүстга зор қилмағил,
Ёлғончыда хор қилмағил.

Олади

Бир ётиб ўйлон, инсон,
Жон –омонат, олади.
Юз ёшиңгдан ўтсанг-да,
Жон -омонат, олади.

Шоҳми ғарип бўлсанг-да,
Етти иқлим олсанг-да.
Билгил, султон бўлсанг-да,
Жон -омонат, олади.

Сўз қадрин билиб яшанг,
Фонийда кулиб яшанг,
Иймонли бўлиб яшанг,
Жон –омонат, олади.

Сайдийга ишонинг,
Бахт чашмасига қонинг,
Ўйнанг, яйранг, қувонинг,
Жон -омонат, олади.

Аниқ

Қуруқ келдинг бу дунёға,
Қуруқ қўл кетишинг аниқ.
Манманлик этсанг ошнога,
Дўст-ёрсиз қолишинг аниқ.

Шоҳ бўларлар пулни топиб,
Дўсту -ёrlарни унутиб,
Гапирсанг лабларинг буриб,
Дўстга зор бўлишинг аниқ.

Кеккайсанг тилло топгандай,
Етти иқлимни олгандай,
Дунёга подшоҳ бўлгандай,
Охир хор бўлишинг аниқ.

Сайдийни ранжитмагил,
Ҳар сўзни билиб гаплагил ,
Бир кам дунё бу, ўйлагил,
Кўз юмиб кетишинг аниқ.

Ошиқ бўлмишам

Душима бир гўзал гирмиш,
Ман унга ошиқ бўлмишам.
Қалам билан чизилғандин,
Қошина кўнгил қўймишам,
Душимда уни севмишам.

Оти эрур уни Лайло,
Гўзалликдадир у танҳо,
Охим ўт қўйиб самоға,
Ман унга ошиқ бўлмишам.
Душимда уни севмишам.

Донг отиб уйғонгим галмас,
Бу сиримни ҳеч ким билмас,
Кўп шаҳлолар унга етмас,
Ман унга ошиқ бўлмишам.
Душимда уни севмишам.

Сайдий ҳар ён ахтариб,
Кўз очиб қолди ўйлониб,
Соғиниб йиғлашинг аниқ.
Ман унга ошиқ бўлмишам.
Душимда уни севмишам.

На истарсан?

Оёқ -кўлинг ишлаб турса,
Кўксингда юрагинг урса,
Ойдек жанон хизмат қилса,
Бахт шу бўлар, на истарсан?

Бузилса кўшку саройинг,
Боришга бўлмаса жойинг,
Юз ўгирса севган ёринг,
Юрак оғрир, на истарсан?

Юз ўгирад ёру -дўстлар,
Қиё боқмас қалам қошлар,
Давлатинг кетса, дарвешлар,
Хандон кулар: “ На истарсан? ”.

Нон ошингни еб юрганлар,
Бир кунда ташлаб кетарлар,
Пулингга шерик бўлганлар,
Юз ўгирад, на истарсан?

Ётсанг тўшакка михланиб,
Юролмай қараб инграницаб,
Қардош келмас, холинг сўраб,
Дилинг куяр, на истарсан?

Сайдий бир шеър битибди,
Умрингни кўпи ўтибди.
Кимдир воз кечиб кетибди,
Кимдир сийлар, на истарсан?

Илтижо

Үғил бўлсин, ё қиз бўлсин,
Тирноққа зор қилма, Худо.
Ҳар банданг шод қувноқ юрсин,
Тирноққа зор қилма, Худо.

Меҳрга зор юрганларни,
“Роббим” деган одамларни,
Билмай хато қилганларни,
Тавбасин рад этма, Худо.

Шифосин бер ҳар бир дардни,
Беақл қилма фарзандни,
Юрак -бағрин эзиб мардни,
Номардга қаратма, Худо.

Жўмард инсон сахий бўлар,
Ҳар доим сўзида турап,
Сайидий ўтиниб сўрапар,
Ақл-хушни олма, Худо.

Ақлимни олди

Чиройинг ақлимни олди,
Мани ёмон ҳолга солди,
Шундан бери хуш йўқолди,
Раҳм қилғил сан, Сурайё,
Кўзинг шаҳло, ўзинг доно.

Сочларинг сунбулни тори,
Дудоғингда асал-боли,
Ой юзингда қаро холи,
Раҳм қилғил сан, Сурайё,
Кўзинг шаҳло, ўзинг доно.

Ошиқларнинг ҳоли хароб,
Ўлтирма соchlаринг тараб,
Гал оху каби эркалаб,
Қувонтириб гал, Сурайё,
Кўзинг шаҳло, ўзинг доно.

Сўзимдан хафа бўлмасдан,
Нозланмасдан, ўйланмасдан,
Сайдий юз ўгирмасдан,
Ўйлаб, фикр қил, Сурайё,
Кулиб -кулиб гал, Сурайё.

Яратдинг

Агар ажал келса, олмай қўймайди,
Баҳона ўтмайди, қараб турмайди,
Яхши-ю ёмонни бирдай оларкан,
Нега одам умрин қисқа яратдинг?
Яхши қолиб, ёмонларни яйратдинг.

Ёмонни яратиб, кулдириб нетдинг?
Яхшини азоблаб, синовда тутдинг,
Сен ажал, яхшининг бошига етдинг,
Нега одам умрин қисқа яратдинг?
Яхши қолиб, ёмонларни яйратдинг.

Инсон борки, куяр ҳижрон доғида,
Яйраб яшаш истар тирик чоғида,
Яхшиларни ўйнат жаннат боғида,
Нега одам умрин қисқа яратдинг?
Яхши қолиб, ёмонларни яйратдинг.

Сайдийман, дилим чекяпди фарёд,
Она кетса фарзанд чекар экан дод.
Номардлар кулармиш, деб бу не фарёд?
Нега одам умрин қисқа яратдинг?
Яхши қолиб, ёмонларни яйратдинг.

Шайтон йўлига кирганлар

Ўзин элдан устун билар,
Камбағал устидан кулар,
Шерикларин ташлаб кетар,
Ўзин бойман деб билганлар,
Шайтон йўлига кирганлар.

Иши тушганда парвона,
Иши битган сўнг бегона,
Не дер эканлар Раҳмона,
Ул икки юзли бўлганлар,
Шайтон йўлига кирганлар.

Улар билан шерик бўлманг,
Дардингизни достон қилманг,
Қўлларига қўлни берманг,
Улар йўлдан адашганлар,
Шайтон йўлига кирганлар.

Бойлик излаб, режа тузар,
Бузуклик бор жойда кезар,
Сайдийга рангин бузар,
Нафс домига илинганлар,
Шайтон йўлига кирганлар.

Деб

Севганига берар Ҳақ дардни,
Күрай, сабр қиласмикан, деб.
Бошига келтиарамши ғамни
Шукур сўзин билармикан, деб.

Гоҳ синармиш давлатли қилиб,
Гоҳ факирлик тўнин кийдириб,
Омад қуши учса, ўтиниб,
Тавба қилиб сўрармикан, деб.

Кўзлар очиқ кўра билмаслар,
Оёғи бор юра билмаслар.
Тили бор гапира билмаслар,
Синар, сабр қиласмикан, деб.

Яшашга берармиш саройни,
Қуллиғига қўёшни, ойни,
Олов кетиб ёқармиш жойни,
Тавба қилиб сўрармикан, деб.

Ақлин заиф қилиб қўяркан,
Лой балчикқа қориб қўяркан,
Етмагандай дард хам бераркан,
Кўрай, шукр қиласмикан, деб.

Сабр қилиб яша, эй инсон,
Оллоҳ берар экан бегумон,
Сайдий ҳар дам қилгин эҳсон,
Фофил юрма, билармикан деб.

Бир кам дунё

Эй одамзот, манман бўлма,
Буни бир кам дунё, дерлар.
Тожу -таксингга ишонма,
Буни бир кам дунё дерлар.

Бош уриб ҳар ён чопарсан,
Ўзингга давлат топарсан,
Охирда ташлаб кетарсан,
Буни бир кам дунё, дерлар.

Обрў мансаб тополсанг бас,
Ҳамма сенга қилар ҳавас,
Ҳаммаси қолар ортда, бас,
Буни бир кам дунё, дерлар.

Сайдийдан бир насиҳат,
Мардларга қилманлар хасад,
Шу гап айтилар то абад,
Буни бир кам дунё, дерлар.

Жаноним

Ман ўйлаган шаҳло, дилбар экансан,
Сен жонимга ҳаво каби кераксан,
Ҳеч кимларга ўхшамайсан, бўлаксан,
Мехринг билан ҳузур топгай ҳар оним,
Кулиб турган шаҳло кўзли жаноним.

Ошифингман, кўз ёшим сой бўлибди,
Ишқда ҳамма гадо, ким бой бўлибди.
Юзинг кўрки тўлишган ой бўлибди,
Мехринг билан ҳузур топгай ҳар оним,
Кулиб турган шаҳло кўзли жаноним.

Сансиз яшолмасман англаб етдим ман,
Исмингни ҳам юргаимга битдим ман,
Кутавериб Мажнундан ҳам ўтдим ман,
Мехринг билан ҳузур топгай ҳар оним.
Кулиб турган шаҳло кўзли жаноним.

Фарҳод бўлиб тоғни ҳам талқон қилай,
Варақларни номинг билан тўлдирай,
Сайдий, кел, ҳижронда қийнамай,
Мехринг билан ҳузур топгай ҳар оним.
Кулиб турган шаҳло кўзли жаноним.

Унутма

Бошинг етса ҳам самога,
Ерга тушишинг унутма.
Чин дуо қилсанг Худога,
Албат, етишинг унутма.

Ўзингча бир султон бўлсанг,
Етти жойда қаср курсанг,
Бойман, деб манманлик қилсанг,
Гадо бўлишинг унутма.

Сендан олдинги келганлар,
Айшу -ишратлар сурганлар,
Олтин қасрда турганлар,
Ташлаб кетишинг унутма.

Ота-онангни ранжитма,
Дил оғритиб, қарғиши олма,
Бойлик дебон кўп чиранма,
Қолиб кетишин унутма.

Сайдий, бўлсанг-да сен бой,
Сеники бўлмас қуёш, ой,
Амр қилса, холингдурвой,
Фарёд уришинг унутма.

Топгунимча

Илҳом мендан учди -кетди,
Қофоз қалам топгунимча.
Дўстлар ташлаб йироқ кетди,
Мен уларга етгунимча.

Юрак тўлди бу армонга,
Ҳавас қолмас йўқ имконга,
Доғ тушар тоза иймонга ,
Давлат қушин тутгунингча.

Ҳавас қолмас яшашга ҳам,
Яхши фикр қилишга ҳам,
Сўзинг ўтмас дарвешга ҳам,
Омад отин мингунингча.

Сайдий бу сўзни битар,
Яхши қадрин яхши билар,
Кўп ўқиган олим бўлар,
Излан, шоир бўлгунингча.

Қани?

Рашкимни келтириб мени,
Ўзгани топганинг қани?
Топаман, деб ичим ёқиб ,
Айт, ахир, топганинг қани?

Бай -бай мани ичим ёқма,
Ўзгаларга қиё бокма.
Ноз қилиб кулиб, эркалаб,
Сочларинг гуллар тақма.

Жоним, мани ҳолим хароб,
Келмасанг аҳволим сўраб.
Дим ёмон бўлиб кетаман,
Кетсанг бошқаларга қараб.

Мандан бошқани ёр қилма,
Ёлвортариб безор қилма,
Сандан кўнгил узсам агар,
Пушаймонинг изҳор қилма.

Қаро кўзингга ошиқман,
Болдин лабингга ошиқман.
Сайдийни адo қилма,
Жаранглаб турган қўшиқман.

Келмаса

Кунларинг ойдек туюлар,
Ойлар ҳам йилдек туюлар.
Йиллар, худ асрдек бўлар,
Кутган инсонинг келмаса.

Кўзларинг йўлдан узилмас,
Ярим кўнглинг ҳам тузалмас.
Юракга ҳеч нарса сиғмас,
Кетган инсонинг келмаса.

Ушбу дардга чидаб бўлмас,
Уни сендан бошқа билмас.
Гўё усиз вақт ҳам ўтмас,
Кутган инсонинг келмаса.

Сайдий, унугтил, галмас,
Қулоққа бир гап ҳам сиғмас.
Юракни ҳам алдаб бўлмас,
Кетган инсонинг келмаса.

Эмас

Келиб бу жаннат ҳаётга
Күплар шукр қилған эмас.
Етса-да орзу-мақсадга,
Күплар шукр қилған эмас.

Берса-да жуфт үғил –қизни,
Берса-да саксон, юз ёшни.
Берса-да ой-у юлдузни,
Күплар шукр қилған эмас.

Тўрт мучасин соғ қилса-да,
Ҳаммадан ҳам бой бўлса-да.
Ахил ва иноқ қилса-да,
Күплар шукр қилған эмас.

Сайдий, сан шукр қилғил,
Ўйлаб кўриб фикр қилғил.
Ҳаёт фоний, шуни билгил,
Ҳали ҳеч ким қолған эмас.

Инсон бўлди

Хотинлари дунё кезса,
Эркак жим, аёл гапирса,
Дўстлар, ўз дўстидан кечса,
Булар қандай инсон бўлди?

Одам одамни менсимас,
Келин отасин сийламас.
Бола онасин ўйламас,
Булар қандай инсон бўлди?

Шайтонни баланд кўрсалар,
Қуръонни четга сурсалар.
Бойларни тавоф қилсалар,
Булар қандай инсон бўлди?

Кўпларнинг инсофи кетган,
Пул учун отасин сўккан.
Ҳатто Худони унуган,
Булар қандай инсон бўлди?

Замон зўрники, дейдилар,
Бир кун пушаймон ейдилар.
Сайдий, ёмон дейдилар,
Булар қандай инсон бўлди?

Дуосин ол

Ҳали, дўстим, кеч бўлмасдан,
Бошгинанг тошга тегмасдан,
Онанг дунёдан ўтмасдан,
Онажонинг дуосин ол,
Мехрибонинг дуосин ол.

У сани кутган неча ой,
Фам -алам ютган неча ой.
Рози қилсанг сен катта бой,
Онажонинг дуосин ол,
Мехрибонинг дуосин ол.

Югуриб сан хизматин қил,
Санинг жаннатинг –онанг, бил.
Доим ҳурматин сақлагил,
Онажонинг дуосин ол,
Мехрибонинг дуосин ол.

Пул топиб, обрў топгунча,
Сохта муродга етгунча.
Кеч бўлар ақлинг киргунча,
Онажонинг дуосин ол,
Мехрибонинг дуосин ол.

Арзим етгай, Оллоҳ, сенга,
Хато қилмасин ҳеч банда.
Сайдий айтар ҳар кунда,
Онажонинг дуосин ол,
Мехрибонинг дуосин ол.

Қололмассан

Бойлик бўлсин, мансаб бўлсин,
Майли чексиз давлат бўлсин,
Элда обрў, хурмат бўлсин,
Охирига етолмассан,
Бу дунёда қололмассан.

Кучинг бўлсин Гўрўғлидай,
Кунинг ўтса бир ғам емай.
Бойлигинг хисобин билмай,
Яшасанг ҳам мангумассан,
Бу дунёда қололмассан.

Шамолни жиловлаб олган,
Девларга ҳам подшо бўлган.
Ҳақнинг пайғамбари бўлган,
Сулаймондан ҳам ўзмассан,
Бу дунёда қололмассан.

Сайдий ўлтирап ҳайрон,
Сўз тополмай қолсам гирён.
Эллик бўлди ёшинг, ўйлон.
Кучинг кетар, сақлолмассан,
Бу дунёда қололмассан.

Нафс

Яхши номинг ёмон қилар,
Тўғри йўлдан адаштирап.
Оқ юзингга қаро урар,
Нафс деган бало қурсин.

Орқага кетар ишларинг,
Ташлаб кетармиш дўстларинг.
Харомга ботар тишларинг,
Нафс деган бало қурсин.

Сайдий, инсофинг сақла,
Қодир Худони унутма.
Сўнгра минг пушаймон этма,
Нафс деган бало қурсин.



Дунё

Умид билан яша, инсон,
Йўлинг топарсан бегумон.
Ишонгин, дўстим, жонажон,
Умидли, дунё- умидли.

Ишсиз, ночор қолганингда,
Нонга муҳтоҷ бўлганингда,
Ҳаттоки, йиқилганингда,
Умидли, дунё -умидли.

Дўстим, сани йўл кутажак,
Ишинг олдига юражак.
Бу кунларинг бўлар эртак,
Умидли, дунё -умидли.

Кўп нодонлар қадрин билмас,
Хурматни ўрнига қўймас.
Ҳаётга қилмаслар ҳавас,
Умидли, дунё -умидли.

Сайдий, умидинг узма,
Дўсту ёрларинг унутма.
Ҳаёт –жаннат, ҳеч қуюнма,
Умидли, дунё -умидли.

Қоларсан

Бунда қилган ишларингга,
Ҳали қўп пушмон қиласан.
Гулдай юзинг сўлганида,
Охиратинг ёд оларсан.

Гурпилдама вақтинг ўтар,
Ёшлиқ, бебошлигинг ўтар.
Ажал бир кун ёқанг тутар,
Кейин афсусда қоларсан.

Гуноҳни сан қўп қилмагин,
Аввал онангни сийлагин.
Ул дунёнгни ўйлаб боргин,
Жавоб сўрар на қиласан?

Не қилсанг, ўзингга қайтар,
Бундан яхши-ёмон ўтар.
Бу фонийдан ҳамма кетар,
Чин манзил томон борарсан.

Сайдийман, ақлим ҳайрон,
Чопаверсанг гар ҳар томон.
Дўстим, Худога сан ишон,
Йўқса, қўп пушмон қиласан.

Қиёматму?

Одамлар бир -бирин ғажир,
Пул деб минг гуноҳни ташир.
Бир бири-ла низо топур,
Бу нима, бу қиёматму,
Ё қиёматдан даракму?

Қизларда ибо қолмаса,
Эрлар орият билмаса.
Пул деб ғанимни-сизласа,
Бу нима, бу қиёматму,
Ё қиёматдан даракму?

Пулга сотсалар танасин,
Ҳар ишда кўзлаб файдосин.
Писанд қилмаслар отасин,
Бу нима, бу қиёматму,
Ё қиёматдан даракму?

Ука акадан ўч олса,
Аёллар мардикор юрса,
Мўминлар лавзидан тонса,
Бу нима, бу қиёматму,
Ё қиёматдан даракму?

Рўзгордан баракат кетса,
Ота боласидан кечса.
Қизлар кеча кўча кезса,
Бу нима, бу қиёматму,
Ё қиёматдан даракму?

Сайдий, бу сўзим битмас,
Инсон қадрин инсон билмас,
Шайтонга қилсалар ҳавас,
Бу нима, бу қиёматму,
Ё қиёматдан даракму?

Синфдошлар

Қаранг, дўстлар, вақтимиз тез ўтибди,
Ким уйланиб, ким турмушга чиқибди.
Жажжи ўғил -қизлар дунё кўрибди,
Синфдошлар, кулгунгизни соғиндим.

Ўн йил деган ўтди –кетди, билмабмиз,
Мактаб даргоҳига қайта келмабмиз.
Бирга ўқиб, қизларга гул бермабмиз,
Синфдошлар, севингизни соғиндим.

Умр деган ўтар экан тўхтамай,
Чарпхпалақдек интилиб олдага тинмай.,
Гапларимиз кўнгилгага малол олмай,
Синфдошлар, меҳрингизни соғиндим.

Сайдий мудом ўйлаган сизларни,
Кетдим эрта ташлаб синфдошларни.
Золим ҳаёт қайга отди бизларни,
Синфдошлар, барчангизни соғиндим.

Учма

Дўстим, билмай ҳаволаниб,
Ўзингча осмона учма.
Ўзгани устидан кулиб,
Шайтоннинг илкидан тутма.

Яшагин қаторда бирдай,
Бўлсанг ҳам қўрқмас ботирдай.
Бўларсан, бир куни ердай,
Кейин келиб, дўстни қучма.

Берганида хайр қилгин,
Севганинга меҳр бергин.
Айтдингми, устидан чиққин,
Ваъда бериб, кейин ютма.

Ҳар ёзни-да баҳори бор,
Қаттиқ қишининг бўрони бор.
Уруш бўлса, тўфони бор,
Тўшакга михланиб ётма.

Сайдий, дер, сандан тилар
Инсон бор охири ўлар.
Жон –омонат, бир кун олар.
Яхшилик йўлидан қочма.

Қолдим

Гохида сўз топмай қолдим,
Гоҳ билдирилмай йиғлаб олдим.
Ёлғончини тушунмайин,
Кўзимда ёш билан қолдим.

Кўплар чеккага сурдилар,
Кўп дўстлар ёрдам қилдилар.
Билиб олиб сиримларимни,
Кейин устимдан кулдилар.

Отажон, кетдингиз эрта,
Одамзотни ютган ерга.
Душманларни қувонтириб,
Кетдингиз кўринмас ерга.

Кўп кутдик тушуна олмай,
Ўлим не эканин билмай.
Юрагимизда бир армон,
Кетдингиз тўйимиз кўрмай.

Отажон

Күзда ёшим тинмай оқди,
Ой ботмайин тонглар отди.
Күп banda шод -хуррам ётди,
Отажон, кетдингиз эрта,
Биз қолдик-ку қаро тунда.

Кундузлар кечага дүнди,
Ажал сизни биздан юлди.
Күринмас ўқ бағрим тилди,
Отажон, кетдингиз эрта,
Биз қолдик-ку қаро тунда.

Мехрга зор бўлиб ўсдик,
Камтар инсон бўлиб ўсдик.
Оллоҳдан мўъжиза кутдик,
Отажон, кетдингиз эрта,
Биз қолдик-ку қаро тунда.

Азроил шафқат қилмасму,
Сал кейин келса бўлмасму?
Сизга жоним фидомасму,
Отажон, кетдингиз эрта,
Биз қолдик-ку қаро тунда.

Сайдий, юрагинг вайрон,
Етимлик ҳар недан ёмон.
Онам юргайлар соғ –омон,
Отажон, кетдингиз эрта,
Биз қолдик-ку қаро тунда.

Вақт

Кимлар азоб чекар тұхтамай,
Кимлар умри роҳатда тинмай,
Ким ҳайрон не қиларин билмай,
Кимнинг умри ўтар шамолдай,
Кимнинг умри тұхтаб қолгандай.

Вақт айланар гүё чархфалак,
Кимнинг вақти ўтмай жонсарап,
Улгуролмай кўп одам халак,
Кимнинг вақти ўтар шамолдай,
Кимнинг умри тұхтаб қолгандай.

Одамзод дунёга келади,
Катта бўлгач ҳайрон қолади,
Умр бунчалар тез ўтади,
Кимнинг вақти тұхтаб қолгандай,
Кимнинг умри ўтар шамолдай.

Вақт ҳеч кимга вафо қилмаган,
Сайдийнинг қалбин тирнаган,
Ҳеч ким уни тұхтатолмаган,
Кимнинг умри ўтар шамолдай,
Кимнинг умри тұхтаб қолгандай

Юрак -бағри вайронаман (Битта дүстимнинг ноласи)

Зёр десалар куюнарман,
Гоҳ қувониб суюнарман,
Ичда дардим, билди्रмайман,
Бой бўлсам ҳам девонаман,
Юрак -бағри вайронаман.

Давлат бору - меҳрга зор,
Қилар эмиш гоҳида хор,
Дўстлар мендан қилишса ор,
Чопиб қочай қай ёна ман,
Юрак -бағри вайронаман.

Берганига қилдим шукр,
Гоҳ ўйланиб қилдим фикр,
Сўз тополмай қолдим ахир,
Шоирман деб гирёнаман,
Юрак -бағри вайронаман.

Ақл -хушим мендан кетса,
Сўзим ҳар манзилга етса,
Сайдийга хабар келса,
Кетгим келмай ўйлонаман,
Юрак -бағри вайронаман.

Келиб

Бутун дунё ўйга толди,
Кўп инсоннинг жонин олди,
Қанча дилга яро солди,
Қандайдир бир вирус келиб.

Бори шифокорлар ҳайрон,
Ҳол -аҳвол кун -кундан ёмон,
Чора топмас битта луқмон,
Ул касал тожини қирқиб.

Кечакулиб турган шаҳар,
Бугун ўликларин ёқар,
Кўчага чиқишига қўрқар,
Кўринмас вабодан хуркиб.

Ҳол сўрашарлар узокдан,
Умид узганлар ҳаётдан,
Юқармиш ҳатто ҳаводан,
Эшитдим, ҳайратда қолиб.

Биз тўғри йўлдан адашдик.
Инсонийликни унутдик.
Туққан онага тик боқдик.
Гўё ўзимиз ҳақ билиб.

Ейдиган нонни босдилар,
Қайдада, Қуръонни ёқдилар.
Оғир гуноҳга ботдилар.
Гўёки очик кўр бўлиб.

Роббим сенга бурдим юзим,
Етгай сенга оху сўзим,
Сен хоҳладинг, бўлдим етим,
Бу ёруғ дунёга келиб.
Сайидий ё Жавлон бўлиб.

Ишонч йўқ

Пул топсанг, сен учун ташналар,
Кўпаяр ҳамроҳлар, ошналар,
“Сен” сўзи “Сиз” бўлиб бошланар,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Кечак танимаган танийди,
Елканг қоқиб, фойда қўзлайди,
Оёғинг остини кавлайди ,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Дўстим, деб келарлар қошингга,
Келмаслар, иш тушса бошингга,
Заҳар қўшиб гоҳо ошинингга,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Қачон мансаб отдан тушар деб,
Юрак ҳуруж тутиб ётар деб,
Омад қуёшингни ботар деб,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Дунё кездим ман гариб бўлиб,
Турли меҳнат, ишларни қилиб,
Қайрилмадим йўлимда юриб,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Синовларга минг урдим ўзни,
Ноҳақликлар хун қилди кўзни,
Тополмадим бир тўғри сўзни,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Қуръондан бор илмни билар,
Ҳажга бориб дуолар килар,
Лекин етим хаққини еяр,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Тарозидан урап кўзинг-ча,
Насиҳатдан сўзлар ўзича,
Масхарабоз пулинг олгунча,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Мен ишониб юрган ошнолар,
Ёнимдадир топсам дунёлар,
Бари қочар қилсам хатолар,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.

Улар деб оқизма кўз ёшинг,
Метин бўлиб кўтаргин бошинг,
Сайидий, Ҳақ бўлсин йўлдошинг,
Оллоҳдан бошқага ишонч йўқ.
Роббимдан бошқага ишонч йўқ.

МУНДАРИЖА

АЗИМЖОН ОТАЕВ ШЕРЛари

Туркий забон.....	3
Хоразмдан.....	5
Бикажон момо- қаҳрамон.....	7
Тоғман дема.....	9
Борармиз.....	11
Кўп.....	12
Ҳар мусулмоннинг.....	13
Дўстим.....	14
Яхшиларнинг дуосидан.....	15
Самоларни кўзлагин.....	16
Ер номли саройинда.....	17
Шиор этсанг.....	19
Ўйламай.....	20
Бўлмасин.....	21
Билмайди.....	22
Аллоҳга илтижо.....	23
Банда ризқ беролмайди.....	25
Оллоҳнинг айтгани бўлар.....	26
Эртага йўқ.....	28
Арзирмикан.....	29
Айб кимда?.....	30
Зинҳор.....	31
Кўйламайинму?.....	32
Яшайверамиз.....	34
Озгина.....	35
Бу дунё.....	36
Йигитни.....	37
Қондошларинг.....	38
Элдир.....	39
Сезмабмиз.....	40
Ҳисоб-китобли.....	41
Шукр қил.....	42

Умр.....	43
Карз.....	44
Боридан-йүги.....	46
Боланг эса, болам дер.....	47
Ёмон хотин.....	48
Бахт.....	50
Кулма.....	51
Хотин топса.....	52
Кетгувчимиз.....	53
Аёл кутса.....	55
Үгил.....	56
Суюнтирма.....	57
Аллоҳга илтижо.....	58
Ёдда тут.....	60
Дуоларин олиб қол.....	61
Оқ фотиха.....	63
Бало қурсин.....	64
Дўстингни сотма.....	66
У қандайин.....	67
Меҳнатларингдан.....	68
Кулманг яна.....	69
Қадр-кимматсиз қўшни.....	70
Чирогинг ёқмоққа.....	71
Эллик ёш.....	72
Оға-ининг.....	74
Билгувчи бор, билиб кўй.....	75
Волидам ҳаёт эди-да.....	76
Сақлагай.....	77
Очлиқдан ўлсанг-да.....	78
Миш-миш.....	79
Мансабингдан тушганингда.....	80
Сиринг очмагил.....	81
Вайрон қиласар.....	82
Кўнгил узма.....	83
Оллоҳга илтижо.....	84
Кўнгли қарони.....	85

САЙИДИЙ ШЕҮРЛАРИ

Бўлма.....	86
Бордур.....	87
Топмадим.....	88
Зор қилмағил.....	89
Олади.....	90
Аниқ.....	91
Ошиқ бўлмишам.....	92
На истарсан?.....	93
Илтижо.....	94
Ақлимни олди.....	95
Яратдинг.....	96
Шайтон йўлига кирганлар.....	97
Деб.....	98
Бир кам дунё.....	99
Жаноним.....	100
Унутма.....	101
Топгунимча.....	102
Қани?.....	103
Келмаса.....	104
Эмас.....	105
Инсон бўлди.....	106
Дуосин ол.....	107
Қололмассан.....	108
Нафс.....	109
Дунё.....	110
Қоларсан.....	111
Қиёматму?.....	112
Синфдошлар.....	113
Учма.....	114
Қолдим.....	115
Отажон.....	116
Вақт.....	117
Юрак -багри вайронаман.....	118
Келиб.....	119
Ишонч йўқ.....	120

Адабий –бадиий наир

АЗИМЖОН ОТАЕВ, САЙИДИЙ

САМОЛАРНИ КЎЗЛАГИН

Шеърлар

Муҳаррир:

O.Исмоилов

Техник муҳаррир:

У.Латипов

Саҳифаловчи дизайнер:

Ф.Болтаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 6730-сонли ТАСДИҚНОМА берилган. /2021 йилнинг 3 августидан босишига рухсат этилди. Бичими $84 \times 108^{1/20}$. “Times New Roman” гарнитураси. Ҳажми – 8 босма табоқ. Adadi - 400 дона. Буюртма № 22 Баҳоси келишилган нархда.

“Оғаҳий” нашриётида тайёрланди.

Манзил: Урганч шаҳри Ал-Хоразмий кўчаси 23-йўй,

Тел: (+99893) 749 72 66

E –mail: shoirashams12@gmail.com